Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам Наврўзи

Носириддин Рабғузий

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 март
Чоршанба
№ 55 (13.491).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ҚУҲНА ТУРОН ЭЛИДА БАЙРАМ. Бугун Наврўзи олам. Урик новдаларида гуллар, қизлар сочларида тол баргак, йигитлар қўлларида гуллар... Ҳамма ёқда яшариш. Олмалар куртак чиқармоқда, қирларни майсалар қопламоқда, сойлар кўпириб оқмоқда. Қишлоқларда, маҳаллаларда, овулларда дошқозонлар осилган. Қаердандир чанқовузнинг майин овози эшитилмоқда. Тунлари ҳамма уйғоқ — ҳамма ёқда шодлик, қувноқлик. Куй-қўшиқлар янграмоқда, раққосалар ўйнамоқда тўлғониб. Улкам, элим, халқим кўп йиллардан буён илк дафъа буюк айёмни ана шундай шодланиб кутиб олмоқда. Наврўз арафасида ёққан қор ҳам ўзбекнинг дилидаги покликни акс эттиргандай бўлди. Одамлар қалби исимоқда, ғурури кўтарилмоқда, ғайрати ошмоқда.

Наврўз айёмида ҳазрат Алишер Навоийнинг дилидан отилиб чиққан ва асрлар оша кўп қалбларни яйратиб келган шу сермаъно сўзлар тилимизга келаверади-келаверади:


Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз!

Ўзбек халқининг яна бир бобокалон алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи деб саналган Фарвардин ойи тўғрисида сўзлаб. «Бу ойнинг биринчи куни Наврўздир, — дейди. — Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Наврўз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларида Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Қадим-қадимдан Наврўз холис ниятли кишиларнинг севимли айёми бўлиб келган. Уша кунларда ҳатто уруш-жанжаллар ҳам тўхтатилган, гина-кудуратлар кечириб юборилган. Шоҳлар эл ичидан энг муносиб кишиларни тақдирлашган, айрим маҳбусларнинг гуноҳидан кечишган. Бу ҳақда Лутфийнинг



БУГУН ШУНДАЙ КУНКИ...



«Гул ва Наврўз» достонида шундай сатрлар ҳам бор:

Улусга мустаҳиқларни қилиб шод,
Ҳамул дам бандиларни қилди озод.

Баҳор ва Янги йил айёми ҳар бир юракдан муқим жой олган қувончли дамларда кўпчилик «Наврўз қачон ва қаерда пайдо бўлган экан?» — дея сўраб қолади. Истеъдодли қалам соҳиби Музаффар «Саодат» журналида эълон қилинган «Онаҳутнинг саховати» мақоласида бу саволларга асосли жавоб берди. Дунёга илк алифбони берган, буюк алломаларнинг ватани бўлган, дунёвий фанларга асос солган Хоразм юрти қадимда, ҳатто эрамиздан аввалги мингинчи йилларда Хвайразам деб аталган. Кейинги йилларда олиб борилган археологик ва этнографик изланишлар Наврўз байрами илк бор худди шу заминда, Нисо (яъни аёл) шаҳри пойтахти бўлмиш Парфиёна (грек ва Оврўпа файласуфлари асарларида Парфия)да нишонланганини ашёвий топилмалар тасдиқлади. Бунга Бургут қалъа, Жомбос қалъа ва Нисо қўрғонларида бунёд қилинган ва шу кунларгача сақланиб қолган «олов уй»лари яққол мисол бўла олади. Бургут қалъа марказида мовий гумбазли мақбара бўлган. Мақбара меҳробида Онақутнинг ҳайкали турган. Унинг бир қўлида буғдой тўла ликопча ва юқорига кўтарилган қўлида Зумрад тош бўлган. Баҳорги тенг кунликда — шамсий ҳисоб билан ҳамал ойининг биринчи куни, ҳозирги тақвимимиз бўйича 22 мартда мақбара гумбазидаги туйнукдан қуёш нури Онақут қўлидаги Зумрад тошга тушиб, сумалак пишириш учун тайёр турган қозоннинг ўтхонасига ўт ёққан.

Аждодларимизнинг уддабурролигидан, беқиёс илмга эга бўлганлигидан далолат берувчи бу сўзларни ўқиганимизда қалбимиз бир олам шодликка тўлади. Халқимизни инқилобдан олдин саводсиз бўлган, дегувчи баъзи олимларимизга шу сўзларни алоҳида-алоҳида эслатгимиз келади.

Бугун элимизда Наврўзи олам!

Жумҳурият партия ва ҳукумати халқимизнинг истак-хоҳишларини эътиборга олиб 21 мартни дам олиш куни, деб эълон қилди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси Наврўз ватани — Хоразм вилоятида жумҳурият байрамини ўтказишга қарор қилди. Наврўз вилоятнинг шаҳару қишлоқларида, корхоналарида, илм-фан даргоҳларида ўзига хос тарзда ўтказилади. Байрам куни турли хил мусобақалар, қариялар билан мулоқотлар, ўзбек тили баҳси бўлади. Баҳор кўкатларидан тайёрланган нозу неъматлар тортиқ этилади. Хоразмнинг энг истеъдодли ва ёш хонандалари хизматда бўлади.

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Равшан ФАЙЗ.

НАВРЎЗ

Қирларнинг тўшида эриётир қор,
Термулиб қор каби эрийдир кўзим:
Ҳоримай, соғ-омон келдингми, баҳор,
Келдингми, қадами қутлуғ Наврўзим?!

Энтикиб чопишдан чарчамас сабо,
Ям-яшил насимлар ётибди тўзиб.
Яна ёшлигингга қайтдингми, дунё,
Қайтдингми, дунёга яна Наврўзим?!

Пойимга поёндоз бўлган гул-чечак,
Сени кўзларимга суртайин ўзим.
Келдингми, қўрқмасдан, ботир бойчечак,
Ростдан ҳам келдингми, ахир, Наврўзим?!

Тилга кираётир ҳар боғ, ҳар оғоч,
Энди мен ичимга ютайин сўзим.
Қайтганинг ишқилиб ростми, қалдирғоч,
Айтақол, ташрифинг чинми, Наврўзим?!

Юрак қирида ҳам эридими қор,
Кўксингга насимлар тегдими, эй дўст,
Мармар зиналардан чиқдингми, баҳор,
Бахтнинг қабулида бўлдингми, Наврўз?!



ТУНИ ЁҒДУЛИ

Уйга чўмамай. Хаёл болаликнинг тўпори кунларига етаклайди. Кечагина биз ҳам онамиз пинжига кириб сумалак қорардик. Кунданинг аччиқ тутунларидан ачишган кўзларимизни уқалай-уқалай.

Гузаримизнинг деярли ҳамма қариялари бир ерга тўпланишарди. Эрта кўкламнинг илк оқшоми — Наврўзни қаршилашган. Утмиш гурунглари бошланишини интиқиб кутарди. Айниқса, сарак териш ҳақидаги воқеалар жуда қизиқ туюларди. Уша куни кампирлар кифтига илиб келган жунни урчиғида йигириб бўлмагунча қўлларим, жағлари ҳам тинмасди. Сумалак илинган қозонга капкирни биринчи ёш келин ёки қария суқарди. Ирими шундоқ экан. Негалигини ўшандаям, ҳозир ҳам тушунмайман. Ишнинг қолгани келинлар зиммасида. Ора-чорада бошқалар кўмак берарди. Ҳали айтганимдек, қозондан бошқа ҳамма жиҳозлар ёғочдан бўларди. Коса, товоқ, чўмич, капкир жами-жамиси. Айтишларича, аслида сумалакни шундай пишириш лозим экан. Ширин бўлармиш.

Уша урф ҳалигача давом қилади. Фақатгина қулочин ҳавога чўзиб урчуғини йигираётганлар кам. Ҳаёт чархпалагининг қонунияти бу. Жамики борлиқ ўзгара-ўзгара яна аслига қайтади. Удумлар. Одамлар ҳам...

Эсимдан кўтарилаёзибди. Сумалак қўни-қўшнининг улушида қилинарди. Кўнглига не-не ниятни тукканлар бир-икки қадоқми, ун келтиришади. Нави, оқ-қоралигидан қатъи назар қозонга солинганиданми, сумалак мазаси бошқача эди. Аксарият қўлларда тегирмон унидан фойданиларди.

Суратнашимиз А. МИРЗАЖОН олган сурат хотирамда шуларни тиклади.

ҚУРБОН.

ТошДУнинг 70 йиллиги шарафига

ДЎСТЛАР ЯНА УЧРАШДИЛАР

Кеча В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни Маданият саройида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари дорилфунунларининг V фестивали очилди.

Талабалар фестивалнинг илк кунини пойтахт дорилфунуни бош майдонида қад ростлаган В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошладилар. Сўнгра фестиваль программасига асосан делегация раҳбарларини дорилфунун ректори, СССР халқ депутати Эркин Юсупов қабул қилди.

Фестиваль ҳақида, унинг қай вақтда бўлиши-ю, унда қайси олий ўқув юртлари қатнашиши анча олдин маълум бўлган. Тошкент Давлат дорилфунуни фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирларни ўзининг шонли 70 йиллиги нишонланадиган йилда барча дорилфунунлар билан келишиб ҳам олган.


— Фестивалда 300 га яқин талаба иштирок этиши мўлжалланган. Унинг программаси ранг-баранг, — дейди ТошДУ комсомол қўмитаси котиби Равшан Ҳакимов. — Унда турли мавзуларда баҳс-мунозаралар, илмий конференциялар ўтказиш режалаштирилган. Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, спорт мусобақалари ҳам программадан ўрин олган.

Назаримда фестиваль кунларида бўладиган «Студент оиласи» кўриги барчада қизиқиш уйғотиши табиий. Муҳими, биз унда қўйиладиган шартлардан ҳеч кимни огоҳ этмаганмиз. Ҳаммаси табиий бўлгани яхшида. Фестиваль қатнашчиларининг ҳар бир соати, дақиқаси кўнгилли ўтишини истаган ҳолда программанинг қизиқарли бўлишини таъминладик.

«Қувноқлар ва зукколар» конкурсида ҳам барча дорилфунунлар ўз командалари билан иштирок этишларини кўзда тутганмиз.

Фестивалнинг айни Наврўз арафасида ўтаётгани ҳам қувонарли. Меҳмонлар ўзбеклар диёрининг нақадар бағри кенг, меҳмоннавоз эканлигини жуда кўп марта эшитганлар. Бу гал эса бунга ўзлари гувоҳ бўлиш имконига эгалар. Қардошларимиз улуғ айём кунларида ўтадиган тантаналарда ҳам бевосита иштирок қиладилар. Сумалакнинг хушбўй ҳидидан маст бўлиб, ундан тотинадилар. Жумҳуриятимизда бўлаётган ўзгаришлардан воқиф бўладилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюрадилар.

Яхшиси фестиваль ҳақида унинг қатнашчиларига сўз берамиз:




Ғалим ГАБДУЛИН, Қарағанда Давлат дорилфунуни делегациясининг группа бошлиғи, филология факультети 3-курс толиби.

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари дорилфунунларининг фестивалида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Биз бу фестиваль ҳақида анча-мунча тасаввурга эгамиз. Албатта бундай тадбирлар олий ўқув юртларимиз умумишига, дўстлигимизни ривожлантиришга салмоқли улуш бўлиб қўшилади.

Бизнинг дорилфунун ҳали ёш. У эндигина тетапоя бўлмоқда. Ўйлайманки, ўтказилаётган мана шундай учрашувлар унинг қаддини ростлаб олишида кўмак беради. Бизда ўзбекистонлик болалар ҳам ўқишади. Улар билан жуда иноқмиз.

Фестивалга 40 киши келганмиз. Мен эса унда биринчи бор иштирок этаяпман. Вакилларимиз орасида икки-уч марта қатнашганлари ҳам бор. Биз ўзимиз билан бирга «Жарқин» шарқ рақслари ансамблини олиб келганмиз. «Подиун» замонавий рақс жамоаси ҳам фестивалда ўзига хос ўрин эгаллайди, деган ниятдаман.



Камол БОБОЖОНОВ, М. Горький номидаги Туркманистон Давлат дорилфунуни комсомол қўмитаси котиби:

— Дорилфунунимиз 1930 йилда ташкил этилган. 10 та факультетда 16 мутахассислик бўйича 5,5 минг талаба ўқийди. Машғулотлар 1989 йилдан бошлаб икки тилда олиб борилаяпти: туркман ва рус тилларида. Байналмилал тарбияга, дўстликка алоҳида эътибор мавжуд.

Барча олий ўқув юртларида бўлгани каби бизнинг дорилфунунимизда ҳам «Байналмилал дўстлик клуби» ишлаб турибди. Самарқанд, Бухоро ҳамда Тошкентдаги ўқув юртлари билан алоқа ўрнатганмиз. Илм даргоҳларида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ёзишмалар олиб бораяпмиз.

Хат ва сим орқали бўлган суҳбат бошқа-ю, юзма юз туриб гаплашган бошқа-бошқа. Мана фестиваль кунларида бизни қизиқтирган масалалар бўйича тўлақонли равишда мулоқот олиб борамиз.

Тошкент Давлат дорилфунуни ҳақида жуда кўп эшитганман. Унинг халқ хўжалигига етук кадрлар етказиб беришдаги салмоқли ҳиссасидан ҳам хабардорман. Бу йил ТошДУ ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлайди. Унинг даргоҳи ўзининг босиб ўтган шонли йўлига яна бир бор назар ташлайди. Мен дорилфунунлар фестивали қатнашчилари, туркманистонлик ёшлар номидан ТошДУ профессор-ўқитувчиларини, талаба ва аспирантларини, ходимларини юбилей йили билан муборакбод этаман. Улар ишларига, ижодларига омад тилайман. Ҳамиша соғ, омон бўлингизлар.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли редакция! «Ёш ленинчи»нинг кечаги сонида чоп этилган ВЛКСМ Ҳаракатномаси лойиҳаси Бутуниттифоқ комсомоллар ташкилотига тегишлими ёки уни жумҳуриятимиз комсомоли таклиф қилаяптими? Илтимос, шу масалага аниқлик киритсанглар.

С. ФАЙЗИЕВ.
Самарқанд вилояти.

РЕДАКЦИЯДАН: Газетамизнинг 20 март сонида муҳокама учун эътиборингизга ҳавола этилган Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Ҳаракатномаси лойиҳаси Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Ҳаракатноманинг бир муқобил варианти сифатида таклиф қилинган. Бу Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси VII пленумининг «ВЛКСМ XXI съездида Ўзбекистон ЛКСМнинг позицияси тўғрисида» резолюциясида таъкидланган эди:

«7. 1990 йил 11 февралда «Комсомольская правда» газетасида эълон қилинган ВЛКСМ Устави лойиҳасига, ВЛКСМ Ҳаракатномаси вариантига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг ишчи гуруҳи қилган таклифлари асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилотидан ВЛКСМ XXI съезди делегатларига ушбу ҳужжатларни ВЛКСМ XXI съезди муҳокамасига киритиш таклиф этилсин».

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасида Иштихон ноҳияси хўжалик раҳбарларининг Тошкент шаҳридаги ўқув юртларида таҳсил олаётган юртдошлари — иштихонликлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

ИШТИХОНЛИКЛАР УЧРАШУВИ

— Сизлар келажагимизсизлар, — деди учрашувда ноҳия фирқа қўмитаси биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати Тўрақул Йўлдошев. — Унинг келажакда қандай бўлиши сизларга боғлиқ. Шу боисдан ҳам, сизлар билан яқиндан танишиб олишга аҳд қилдик.

Бугунги учрашувга ноҳиядаги 18 хўжалик раҳбарлари келишган. Улар Иштихонда бўлаётган ўзгаришлар, режалар хусусида сўзлаш ниятидалар.

Шундан кейин Тўрақул Йўлдошев ноҳияга ишга тайинланганига тўрт ой бўлганини айтиб, ўзи ҳақида йиғилганларга қисқача гапириб берди.

— Ноҳиядаги аҳволни кўриб, сизлар билан мулоқот ўтказиш сув билан ҳаводай зарурлигини ҳис қилдик. — деди у сўзида давом этиб. — Унгача ноҳия раҳбарлари 199 та қишлоқ аҳолиси билан учрашув ўтказдилар. Уларнинг дардлари, орзу-умидларига қулоқ тутдик. Шу учрашувлар натижасида хўжаликларимиздаги ижтимоий аҳволни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқдик. Унинг бажарилишини назоратга олдик.

Хўжаликларимизда 121 минг аҳоли яшайди. Улар сони ҳар йили 5 минг кишига кўпаймоқда. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда мактаб, мактабгача тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари қуриш, маданий дам олиш масканлари барпо этиш зарур. Афсуски, бундай объектлар қуришга шу даврғача панжа орасидан қараб келинган.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига асосан, 15100 оилага 2230 гектар ер ажратдик ҳамда уй-жой қуриш учун икки ойда 600 минг сўм пулни қарз тариқасида бердик. Бу суммани келажакда 6 миллионга етказиш ниятидамиз.



«Бир йилда шунча уй қуриб бўладими?»,—деган савол туғилиши табиий. Бунинг ҳам йўлини топиб қўйганмиз. Уларни қурилиш материаллари билан таъминлаш зиммамизда турибди.

Колхозчи-деҳқонларимизга унумдор ерларни бўлиб бердик. Улар билан шартнома имзоладик. Мазкур шартномага асосан, томорқада етиштирилган сабзавот ва меваларни ўзимиз сотиб оламиз. Ҳамда томорқа соҳибларига шу ернинг ўзидаёқ бу ҳақда ҳужжат берилади. Муҳими, меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Токи, колхозчи қарилик пенсиясига чиққанида бу меҳнати асқотсин.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, кексаларимиз орасида пенсия ёшидан 15-20 йил ўтиб кетса-да, унинг пулини ололмай сарсон бўлиб юрганлар бор экан. Яқинда қабулимда шундай қариялардан бири бўлди. У 91 ёшда экан. Унинг айтишича, шу пайтгача қарилик пенсиясини ололмаган. Бундайлар жуда кўп. 226 кишига пенсия тайинлаганимиз бу бизнинг изланишларимиз натижасидир.

Иттифоқимизда ночор яшаётганлар 40 миллионни ташкил этса, унинг 9 миллиони Ўзбекистонда. Жумладан, 8800 нафари эса ноҳиямизда истиқомат қилишади. Уларни сердаромад соҳага ишга жойлаштириш йўлларини излаяпмиз.



Турли сабаблар билан ота-онасиз қолган 741 нафар бола рўйхатга олинган. Уларни вояга етказиш биринчи галдаги мақсадларимиздан. Орамизда ёлғиз, қаровчиси бўлмаган кексалар ҳам бор экан. Уларни ташкилотлар ўз оталиқларига олишди. Ноҳия ижроқўми етим ва ёлғизларга 15800 сўм миқдорида ёрдам пули ажратди. 41 нафар 1 гуруҳ Улуғ Ватан уруши ветеранлари борлигини аниқладик. Уларга ёрдам уюштирдик.

Афғонистонда 7 нафар мард ўғлонларимиз ҳалок бўлди. Улар хотирасига шу йилнинг 9 май — Ғалаба кунида ёдгорлик очмоқчимиз. Байналмилалжангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар яшаган кўча, ўқиган мактаб, вояга етган пионер дружинаси, отрядларига номларини қўймоқдамиз.

Бўлғуси оналарнинг даволаниши учун махсус санаторий-профилакторий қурдик. Оналар фарзанд кўришига бир ой муддат қолганида профилакторийда даволанадилар, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Уларга бир ой давомида кунига 4 сўмдан сарфланади. Профилакторий ёнида эса туғруқхона жойлашган.

15800 нафар 1-5-синф ўқувчилари бепул нонушта билан таъминланяпти.

Хабарларингиз бўлса керак, шу пайтгача кўмир, шифер, ёғоч каби турли материаллар излаб, Каттақўрғонга борардик, энди бунга чек қўйдик. Иштихонга темир йўли ўтказяпмиз. Эрта-индин фойдаланишга топширилади. Йўл қурилиши, водопровод, газ масалаларини ҳам ҳал этаяпмиз.

Қишлоқларимизда ўзаро бир-бирига ҳурмат-эътибор йўқолиб бораяпти. Бир қишлокда яшаб, бир ариқдан сув ичиб муроса қилолмай қолдик. Шу боисдан оқсоқолчиликни йўлга қўймоқчимиз. Қишлоқларда маҳалла қўмиталари тузаяпмиз. Улар ойлик олиб ишлашади.

Қабристонларимиз аҳволига қараб бўлмай қолди. Дини бошқа, имони бошқа, китоби бошқа бўлганлар қабристонига кирсангиз, у ердаги тартиб, озодаликдан ҳайратга тушасиз. Бизда эса унинг ёнидан ўтишга ҳам чўчишади. Бундай эътиборсизликни тугатяпмиз.

Ноҳиямизда 49 минг киши ишга яроқли бўлса, шундан 7400 нафари иш билан таъминланмаган. Янги корхоналар қуриб, ишсизларга иш бериш режалари амалга ошаяпти.

Кадрлар масаласида ҳам икки оғиз сўз. Олий ўқув юртларини битираётган ҳар бир талаба гўё илм даргоҳини тугатаман-у, министр бўламан, тарзида хаёл қилади. Афсуски, ҳаётда бундай эмас. Бизда кадрлар масаласи издан чиқиб кетган. Ноҳиядаги корхона, ташкилотларда ишлаётган мутахассисларнинг маълумот даражасини кўздан кечиряпмиз. Яқинда бир муассасада бўлдик. Унда 18 киши ишлар экан. Қаранг, шулардан 12 нафари ўрта маълумотли. Ҳолбуки, ноҳияда олий маълумотли мутахассислар иш тополмай юришибди. Олий маълумоти бўлган 26 кишини иш билан таъминладик.

Сизлар пойтахтда 320 нафардан ошиқсиз. Ишдан кўнглинглар тўқ бўлсин. Биз сизларни ёруғ юз билан Иштихонда кутамиз!

Шундан сўнг ТошДУ толиби, Ленин стипендиати Дилшод Очилов талабалар номидан сўз олиб, «Биз сизларни уялтириб қўймаймиз. Ота-оналаримизни ишонтириб айтамизки, биз улуғ хос фарзанд бўламиз», деди.

Учрашувда яна бир қанча талабалар ҳам сўзга чиқдилар. Улар бундай учрашувни ташкил этганларга миннатдорчилик билдиришди.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси биринчи котиби Азиз Носиров сўзга чиқди. Жумладан у шундай деди: бугунги учрашув анъана бўлиб қолади. Талабанинг хонадонидан кўнгли тўқ экан, у ўз бурчини — даврига мос етук кадр бўлиш вазифасини уддалаш учун тиним билмай изланади, ўқийди. Шуни истардикки, хўжалик раҳбарлари пойтахтга ташриф буюрганларида бирров талабалар билан учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашса, кўнглидагиларни билиб олишса. Ҳар бир ўқув даргоҳида Иштихон оқсоқоли бўлса.

Сўнгра хўжалик раҳбарлари талабаларга 70-80 сўм миқдорида ёрдам пули беришди.

— Энди раҳбарларимиздан кўнглимиз тўқ. — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти толиби Фаҳриддин Ҳусанов. — Шу пайтгача ноҳиямизда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлардан вақтида хабардор бўлмасдик, Бугунги учрашув кўнгилдагидек бўлди. Жуда мамнунмиз.

Дарҳақиқат, учрашув мароқли ўтди. Бундай мулоқотлар анъана тусини олса, нур устида аъло нур бўларди.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

Иқтисод ва ҳаёт

Василий СЕЛЮНИН

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРА ТУЙНУКЛАРИ

Тюменда яна бир улкан нефть, газ, кимё комплекси қурилиши бошланди. Бу яна олти — етти БАМдир. Халқдан яшириб маҳкамалар хориждаги фирмалар билан жиҳозлар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишди. Бироқ сир очилиб қолди ва жамоатчилик ушбу лойиҳага кескин қарши чиқди. Қурилишнинг экологияга зарари тўғрисида ҳам кўп ёзилди. То масала ойдинлашгунча объектни режадан чиқариш керак — мамлакатда бунча миқдордаги пул йўқ, бошқа фикрлар эса қизиқарли эмас.

Шу пайтгача 11 та беш йилликни ўтказдик ва нақд кўрсаткич бўйича (режалаштиришнинг мазмуни ана шунда) бирортасини ҳам бажармадик, ўн иккинчисини ҳам муваффақият билан барбод қилмоқдамиз. 1989 йилги ақл бовар қилмайдиган даражадаги улкан режа истисно тариқасида бажарилиши учун қандай мўъжиза юз бериши керак? 1989 йилги режани қабул қилган СССР Олий Советининг сессиясида ўша пайтда молия министри бўлган Б. Гостев ғаройиб гапни айтди: «Бюджет 1989 йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси кўрсаткичларидан келиб чиқиб тузилганлиги учун ва миллий даромаднинг ўсиши беш йиллик топшириғига бироз етмаётганлиги сабабли пул жамғариш ҳам кўзда тутилганидан камроқ бўлади».

Тушунарлимми ёки унчалик эмасми? Тушунтираман. Беш йиллик режа тузилаётганда бир йўла уни ҳар йилга бўлиб ҳам қўйишади. Кейинчалик режани бажариб бўлмаслиги маълум бўлиб қолади. Илгари бундай ҳолда навбатдаги йил режасини қисқартиришарди. Агарда қисқартирилган топшириқ бажарилмаса унда режага тузатиш киритилиб натижага мослаштириларди. Гўё йиллик режалар ҳам, беш йиллик ҳам бажарилмоқда. Пировард натижа дастлабки мўлжалга мутлақо тўғри келмасди, бироқ ким ҳам беш йил илгариги ва ҳисоботдаги рақамларни солиштириб ўтирарди? Қайта қуриш бошланиши билан энди бундай алдов бўлмайди деб қатъий айтишди: ҳар йилнинг режаси дастлаб қандай бўлинган бўлса ўшандайлигича қолади, тамом-вассалом. Молия министри айтганидек 1989 йил режасини тайёрлашда худди шунга амал қилишди. Яъни депутатлар ҳеч нарсани ўйламай аввалги, ҳатто ошириб ёзилган рақамлар учун овоз беришди. Энди, сен, Борис Иванович режани маблағ билан таъминла. У эса: «миллий даромад бироз етмаяптими», демак менда ҳам пул йўқ. Нима қилиш керак, дейсизми? Бу билан менинг ишим йўқ, маблағга қараб яшаш керак. Мана Англияда бюджетни муҳокама қилишаётганда қанақа «жанг»лар бўлади. Сизлар ҳам қаерда маблағни тежаш керак, қайси лойиҳани чиқариб ташлаш зарурлиги тўғрисида тортишинглар, баҳслашинглар. Ахир сизларни худди шунинг учун ҳам қонун чиқарувчилар дейишадику, дея эътироз билдирса экан. Йўқ, бизнинг молия министримиз унақа эмас, у мўмин-қобилгина. Бюджетда эса «Натижада молиявий ресурсларнинг камомади 36,3 миллиард сўмни ташкил этади». Биронта тирик жон шунча пулни қаёқдан олишни билмайди. Дарвоқе, рақамларга келганда министр кичкинагина «ўйин» қилди. Бюджетдаги туйнук бироз бўлсада кичикроқ кўриниши учун илгаритдан уни хас-пўслашди: ссуда фондидаги 63 миллиард сўмни даромадга ўтказишди. Бу қанақа фонд? Босма станок маҳсулоти ва хазинадаги эҳтиёт шарт маблағ аллақачонок тугаб бўлган. Жамғарма дафтарчасидаги 300 миллиарддан кўпроқ пулни кредит фонди деб ҳисоблаб бўлмайдику — улар шундоқ ҳам номигагина пул. Режага киритилган лойиҳаларнинг ҳар бештадан биттаси ҳаво билан таъминланган бўлиб, улардан фақат ҳавоий саройлар қуриш мумкин холос.

Лекин бу ҳали камомаднинг ҳаммаси эмас. Мен 1988 йили миллий даромаднинг ўсганлиги (25 миллиард) афсона эканлигини айтдим. Бироқ режачилар ва молиячилар бу пулни худди бордек тақсимлашди: мана шунча пўлат эритувчиларга, мана шунча пиво пиширувчиларга. Бу йил янги рекорд кутилмоқда: мамлакатнинг умумий даромади 40 миллиардга етиши керак. Ушбу пулларни яна бор деб ҳисоблашмоқда ва уларни режадаги тадбирларга сарфлашни мўлжаллашган. Даромадга қўшилиш яна пуфлаб шиширилган бўлсачи? Шундай деб ўйлаш учун илгаригидан кўра кўпроқ асос бор. Агарда 1988 йилда бизнинг фикримизча даромад ошмаган ҳам, камаймаган ҳам бўлса, 1989 йилнинг биринчи кварталида у 2 — 3 фоизга озайган. Бироқ расмий ҳисобот бу кўрсаткични тап тортмай 4 фоизга ошди деб эълон қилди. Воқеаларнинг ривожи шу тахлитда борадиган бўлса бюджет камомади қанча бўларкин?

Охир оқибатда фойда ва харажат ўртасидаги фарқ ҳалокатли тус олиши мумкин. Бу ҳолда режани уддалаб бўладими? Ишга туширилиши шарт бўлган айрим объектларгина тугалланиши мумкин.Қандайлари? Воқеалар ривожини олдиндан кўрса бўлади. Пул режадаги қурилишларга етмас экан, демак бирини қақшатиб, иккинчисини тўла маблағ билан таъминлаш мумкин. Хўш кимлар устунликка эришади? Ҳеч шубҳаланмасдан айтиш мумкинки, ишни бақувват ташкилот олиб бораётган бўлса, қурилиш йил охиригача тугайди. Каттакон бошлиқлар ҳомийлигида бўлган лойиҳалар ҳам амалга ошади. Шундай қилиб тасодифий факторлар (бошлиқ овозининг кучлилиги, пудратчининг қуввати) инвестиция сиёсатида ҳал қилувчи ролга айланади. Оқибатда халқ хўжалиги учун зарур бўлган объектлар эмас, мутлақо бошқа объектлар фойдаланишга топширилади. Система тасодиф туфайли ишлайди, ишонч билан айтиш мумкинки, қувватларни ишга тушириш режаси ҳар сафаргидек бажарилмайди, ниҳоясига етмаганлар кўлами янада кенгаяди. Ҳозирги беш йилликда тугалланмаган қурилишлар 30 миллиард сўмга чиқиб кетди ва ақл бовар қилмас миқдорга — 150 миллиард сўмга етди.

Мамлакатда бир тийин пайдо бўлди дегунча, қурувчилар уни режага биноан олиб ўша заҳоти ерга кўмадилар, пойдевор ва деворларга чаплаб қотирадилар. Ахир буни худо уриши демай бўладими?! Бу ҳолда бойишимиз

13

мумкинми? Бундай қилиш мумкин эмас, ўлдирсангиз ҳам айтаман мумкин эмас, тамом-вассалом.

Холис бўлиш учун айтишим керак, соғломлаштириш юзасидан кўрилган фавқулодда чоралар орасида ҳаддан зиёд чўзилиб кетган қурилиш фронтини қисқартириш ҳам белгиланган. Бу ғоя янгилик эмас. Эсимда бор, ўз вақтида Н. С. Хрушчев режачилар олдига шарт қўйганди: агарда улар капитал маблағларни совуришга чек қўйишмаса, шахсан ўзи, яъни давлат бошлиғи ҳар бир янги қурилиш билан шуғулланишини айтганди. Хўш нима бўлганди? Ўша пайтда ишлаб чиқаришга мўлжалланган 100 минг қурилиш бўлган бўлса, ҳозир 300 мингдан ортиқ. Ҳар бир қурилишга эса ўрта ҳисобда 13 қурувчидан тўғри келади. Ўтган йили буйруқ билан 24,2 миллиард сўмлик қурилиш тўхтатиб қўйилди, айни пайтда бошқа қўл билан қиймати 59,1 миллиард сўмлик қурилиш бошланди.

Иқтисодиётнинг инвестиция шўъбаси зўриқиб ишламоқда, аммо режали кўрсатма, юқоридан берилган буйруқ билан уни тузатиб бўлмайди. Инвестицион фаолликни, капитал маблағга бўлган талабни камайтириш лозим. Бунга қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида иқтисодчилар ёзавериб чарчашди, муштарийлар эса ўқийвериб: қурмоқчимисан — осмондан тушадигандек хазинадан беришларини кутиб ўтирма, ўзинг ишлаб топ. Бироқ ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни бутунлай иқтисодий ислоҳот ўтказмай туриб жорий қилиб бўлмайди. Биз бу ҳақда юз марталаб огоҳлантиргандик, аммо ким бизни эшитарди (ошкоралик оз бўлсада бор, лекин эшитишга келганда ҳамма кардек). Агарда сиз корхоналарга қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирадиган бўлсангиз марҳамат қилиб уни кимга беришни, кимдан пул олишни ҳам кўрсатинг. Демак, ресурсларни фондлар бўйича тақсимлаш давом этади. Ҳаммаси илгаригидек: ишлаб чиқарувчи нарсаларнинг улгуржи савдоси йўқ, демак ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳам йўқ. Корхона пул ишлаб топгани билан кимнинг неча пуллик иши бор: фонд, карточка бўлмагандан ҳеч нарса ололмайсан, металл, цемент, ғишт, жиҳозлар ажратишларини кут. Бу ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш амалдорнинг ихтиёрига қараб қолади деганидир.

Бундай шароитда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳатто зарарлидир, чунки, беҳисоб режали қурилишлар қаторига энди заводлар (худди Шадриннинг тюрбо балиғига ўхшаб) қурилиши ҳам қўшилади. 1986 — 1988 йилларда министрликлар ва корхоналар режаларини мустақил тасдиқлаган ҳолда қурилишлар миқдорини 31 фоизга кўпайтиришган. Ўйлангани бошқа, амалдагиси эса мутлақо бошқа.

Ислоҳотгача амалга оширилиши керак бўлган бошқа фавқулодда чоралар ҳам шу тахлитда. 1988 йилда зарар келтираётган корхоналарни сақлаб қолиш учун хазинадан 5 миллиард сўм сарфланди. «Ҳукумат, — деди Н. И. Рижков, — қатъий қарорга келди: 1990 йил бундай чидаб бўлмас ҳолга йўл қўйиладиган охирги йил бўлади». Бунга эришиш мумкин, лекин қачонгача? Келинг, аниқлаб олайлик. Зарар ҳар доим ҳам хизматчиларнинг ёмон ишлаётганидан далолат бермайди. Буйруқбозлик системасида айрим корхоналар дунёга келиши билан зарар келтирадиган, бошқалари эса фойда келтирадиган бўлади. Ҳозир хом ашё тармоқлари ё зарар келтиради ёки кам фойда кўради. Лекин ҳеч ким шу пайтгача металлурглар, ўрмон кесувчилар ёки кўмир қазувчиларнинг ёмон ишлашларини исботлаб бера олмаган. Ҳамма гап шундаки, уларнинг маҳсулотига шу қадар паст нарх белгиланганки, харажатни аранг қоплайди. 1991 йилнинг биринчи январидан хом ашё ва ёнилғининг нархи кескин оширилади ва кўмир қазиб чиқариш кўмир қазиб олувчи машина тайёрлашдек фойдали бўлиб қолиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам зарар келтирадиган шахталар қолмайди, бироқ бу ютуқ фақат ҳисоб-китобларда, рақамларда бўлади холос. Кейин нима бўлишини аниқ биламан. Чакана нархларни қайта кўриб чиқишгунча (бу ҳар 10 — 15 йилда бир бўлади) кўмир нархи ўзгармайди — бу прейскурантга ёзиб қўйилади, ҳеч ким ундан ортиқ тўламайди. Албатта, техникани ҳам янги белгиланган нарх бўйича сотишади. Бироқ фарқ шундаки, маҳсулотни янгилаш баҳонасида тайёрловчилар уни ишлаб чиқаришдан олишади — улар фақат прейскурантда қолади. Ўрнига корхоналар гўё такомиллаштирилган техника ишлаб чиқара бошлайдилар. Ўз-ўзидан маълумки «янги» техниканинг нархи ҳам янги бўлади. Бизнинг ҳисобимизча машинасозлик маҳсулотларининг нархи беш йиллик давомида камида 30 фоизга ошади. Кўмирни эса Сиз такомиллаштира олмайсизку, демак нархини ҳам кўтаролмайсиз. Ёнилғи узоқ йиллар давомида бир нархда сотилса-ю, уни қазиб олувчи машиналар қимматлашиб бораверса чакана нархлар кўриб чиқилгандан сўнг узоғи билан орадан икки йил ўтгач шахталар яна кам фойда келтирувчи, кейинроқ эса коллектив ҳар қанча яхши ишлаган тақдирда ҳам зарар келтирувчи бўлиб қолади. Хўш нима қилиш керак, уларни ёпиш керакми? Унда нима ёқамиз?

Шундай экан, очиғини айтиб қўя қолай: ёпиш керак бўлса зарар келтирадиганларни эмас, фойда келтирадиганларни ёпиш зарур. Комбайн, трактор, металл қирқувчи станокларни ишлаб чиқариш жуда фойдали. Уларни тайёрловчилар мамлакатни хонавайрон қилишаётган бўлсаларда, айнан шуларни ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатишмоқда. Яна бир ғаройиб ҳодиса: хом ашё ишлаб чиқариш зарарли бўлса, капитал маблағлар устун тармоқлардан худди шу томонга қараб оқмоқда. Дарҳақиқат, тўнтарилган иқтисодиёт!

Нархларнинг ўзгармаслиги — бу афсона. Амалда биз хом ашёнинг нархинигина ўзгартирмаймиз, маҳсулот тури тез-тез ўзгариб турадиган қайта ишлаш тармоғида эса биз аллақачонок назоратни йўқотганмиз. Бу бедаво дарднинг ўзгинаси, токи нархни маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва харидорнинг ўзаро келишувига биноан белгилашга ўтмас эканмиз уни даволаб бўлмайди. Инсоният бозордан кўра яхшироқ бўлган воситани ўйлаб топгани йўқ: маҳсулот амалдор қанча деб ҳисобласа шунча эмас, балки харидорнинг қудрати қанча тўлашга етса шунча туради. Ўшанда зарар келтирувчи корхоналарни буйруқ билан ёпиб ўтиришнинг хожати йўқ, улар бозордаги рақобатга дош беролмай ўз ўзидан ёпилади. Демак, яна ҳар доимгидек юқоридан туриб нархларни қайта кўриб чиқиш керак эмас, балки уни белгилаш тартибини ўзгартириш, яъни нарх-наво тартибини чуқур ислоҳ этиш зарур. Бу қайта қуришдаги муҳим омил. Ана шуни амалга оширмас эканмиз иқтисодий ўзгартиришларда биз бир қадам ҳам олға силжимаймиз, зарар келтирувчи корхоналарни хазина ҳисобидан чиқариш тўғрисидаги гап-сўзлар ҳеч қачон амалга ошмайди.

(Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор.)

14

Хориждан хабарлар

ХАЛҚ ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Якшанба куни ГДРда бўлиб ўтган халқ палатасига сайловда сайловчилар топширган бюллетенлар ҳисоблаб чиқилганида олинган расмий маълумотларга қараганда, консерватив «Германия учун уюшма»сининг номзодлари овозларнинг энг кўпини — 48,15 фоизини олди. Христиан-демократлар уюшмаси, «Немислар ижтимоий уюшмаси» ва «Демократик интилиш» каби ташкилотлар «Германия учун уюшма»нинг аъзолари ҳисобланади. Мазкур партиялар шу тариқа, айни пайтдаги мавжуд маълумотларга кўра, мамлакатнинг бўлажак парламентида 193 та мандат оладилар.

Сайловчиларнинг 21,84 фоизи Германия социал-демократик партияси учун, 16,33 фоиздан кўпроғи демократик социализм партияси учун овоз берди.

Ана шу уч пешқадамдан кейин сайловда иштирок этган 24 та партия, ҳаракат ва гуруҳлардан овозларнинг 5,28 фоизини олган эркин демократлар уюшмаси, 2,9 фоизини олган «Уюшма—90», 2,19 фоизини олган деҳқонлар демократик партияси бормоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Петра Блесс хонимнинг хабар қилишича, сайловда ГДРнинг 11,5 миллиондан зиёд аҳолиси ёки сайловчиларнинг 93,2 фоизи иштирок этди.



Мазкур ўн йилликда АҚШда зўравонлик ўзининг янги-янги жиҳатларини намоён этади. Мамлакатнинг барча йирик шаҳарларида қотиллик сони ўсади. Жиноятчилик муаммолари бўйича бир қатор етакчи мутахассисларнинг фикрлари ана шундай. Улар ўзларининг бу умидсизлик руҳидаги фикрларини Америка жамияти учун характерли бўлган ижтимоий, демографик ва бошқа анъаналарни таҳлил қилишга асосланмоқдалар.

СУРАТДА: АҚШнинг кўпгина шаҳарларида «фуқаро ўз-ўзини ҳимоя қилиш» курслари ташкил этилган бўлиб, аҳолини тажрибали йўриқчилар ўт очиш қуроллари билан муомала қилишга ўргатмоқдалар. Бироқ, мутахассисларнинг фикрига кўра, зўравонлик билан зўравонлик воситаларини қўллаш орқали курашиш аксинча бўлиб, у самара бермайди.

ТАСС сурат хроникаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси хавфсизлик кучлари Эл Мин шаҳрида «Ал Жиҳод» яширин ташкилоти аъзоларидан диний экстремистларнинг яна бир катта гуруҳини қамоққа олди, деб хабар берди «Ал Аҳром» газетаси. 13 киши, асосан ўсмирлар, шу жумладан, бир қиз ушланди. Уларнинг ёнида маъмурларга қарши курашга чорловчи кўпдан-кўп варақалар бор эди. Полиция ушбу ташкилотнинг яширинишга улгурган беш раҳбарини қидирмоқда.

● БАЙРУТ Ливаннинг христианлар яшайдиган ерларида кескин вазият сақланиб қолмоқда. Бифая, Клайат ва Баллун аҳоли турар жойлари атрофларида жуда қаттиқ тўп отишмалари бўлди. 155 миллиметрли снаряднинг Баллун деган жойдаги одамлар яшайдиган бинога келиб тушиши оқибатида 7 киши ҳалок бўлди. Жуда катта ёнғин чиқди. Ливан армияси христиан қисми армия бўлинмалари билан «Ливан кучлари» ташкилоти қуролли бўлинмалари тўқнашган бошқа участкалардаги отишмалар чоғида бир неча киши жароҳатланди.

✦ ДЕҲЛИ. «Сайёрамизни қутқариш учун қўлни қўлга берайлик!» — Ҳайдарободда, шунингдек, Калькутта ва Жайпур шаҳарларида ўтаётган «2000—йил омон қолиш» халқаро анжуманининг шиори ана шундай. Анжуманга экология, иқтисодиёт, энергетика, табобат, социология соҳасида ишлаётган АҚШ, Совет Иттифоқи, ГФР, Канада, Англия, Венгрия, Чехословакия — жами 20 дан кўпроқ мамлакатларнинг мутахассислари тўпланишди. Ҳиндистоннинг энг катта саноат уйларидан бири маблағи ҳисобига тузилган ВМ Бирли илмий маркази ана шу анжуманнинг ташаббускори бўлди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РЕСТОРАНДА БЕПУЛ ТАОМ

● ЛОНДОНДА балиқхўрлар учун янги ресторан қурилаётган пайтда Лондон рўзномаларида бир эълон босилди. Унда таъкидланишича, кимнингки исми-шарифи балиқларнинг номида бўлса, ўша киши ресторан ишга туширилган куни бепул овқатланади.

Ресторан соҳиби ваъдасини бажарадиганлар хилидан экан. Ўша куни 60 га яқин киши бепул овқатланди. Уларнинг фамилияси ҳақиқатан ҳам балиқларнинг номи билан аталарди. Масалан, жаноб Лаққа, Селедка хоним, жаноб Треска (Шимол денгизларидаги балиқнинг бир тури), жаноб Чўртан, Форель хоним (гулмоҳи) ва бошқалар дейилади Булғориянинг «Труд» рўзномасида.

АНКЕТА ЎРНИГА ГОРОСКОП

● ГОРОСКОПЛАР (мунажжимлар фол очиш учун тузган юлдузлар жадвали) АҚШда жуда оммавийлашиб кетди. Ҳатто айрим фирмаларда хизматчиларни ишга қабул қилиш масаласи шу гороскоп «башорати»га қараб ҳал қилинмоқда.

Масалан, жадвал бўйича балиқ йилида туғилганлар баъзи фирмаларга умуман ишга қабул қилинмайдилар. Жадвалда улар дангасаликда ва пала-партишликда «айбланадилар». Шунингдек, чаён мучалидагиларнинг ҳам шўрига шўрва тўкилган. Чехословакиянинг «Люд» рўзномасида ёзишларича, фирма соҳиблари уларнинг «айёрлигидан», «писмиқлигидан», «иккиюзламачилиги д а н» чўчишади. Демак, минг ялинсин ишга кирмоқчи бўлган одам барибир рад жавобини эшитади.

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

● ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА қараганда, бўш вақтни табиат қўйнида ўтказишда японларга етадигани йўқ экан. Бугунги кунда Японияда 11 миллион альпинист, 17 миллион ҳаваскор балиқчи, 27 миллион турист, 14 миллион велосипедчи, «Қушлар бизнинг дўстимиз» жамиятида 500 минг нафар аъзо бор экан.

Бу кўрсаткич салкам 50 фоизни ташкил этади, чунки Япония аҳолиси 120 миллион кишидан иборат.

Бинобарин хабар «Недельна правда» (ЧССР) рўзномасида эълон қилинган.

Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам, Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним

Абдулла Орипов.

Келгин, суюкли айём!

Элимизнинг муроду мақсадини куйлаган, юртимизнинг орому осойишини ўйлаган, бутун борлиқ-мавжудотга меҳр-мурувват айлаган, бағрига бениҳоя эзгу-муҳаббат жойлаган, ёмонликлар йўлин бойлаган, яхшиликдан достон сўйлаган, барчани бирдай сийлаган байрам.

Бу байрамни баҳори баробар келгувчи, бир хил йиғлаб, бир хилда кулгувчи, мучал йилини билгувчи, урфини ҳурмат қилгувчи талай элу элатлар, мазҳаблару миллатлар янги йил деб нишонлашади, «Тўқсон»нинг бахайр ўтганин, яна «кўк»ка оғизлари етганин айтиб, бир-бириман омон-омонлашади.

Рўзномаю ойномаларнинг гувоҳ беришича, семиз қомусларнинг изоҳ этишича, бу байрамни ҳар жойда ҳар тус: бирда оммавий, бирда махсус кутишаркан. Оммавийни Кичик Наврўз, махсусини Катта Наврўз деб эътироф этишаркан. Кичигини Шоҳ Жамшид ўз тахтида кўкка кўтарилган кун деб, Каттасини омон-эсон заминга қўнган кун деб ривоятлар битишаркан, учиб қўнган вақтини ҳафта санаб, у кунларни «Улуғ айём»га йўйишаркан, шул сабабми дастурхонга «ҳафтсин» атаб, етти тур таом қўйишаркан.

Бизим дашт ёбонларда, Катта Ўра томонлардан ёдлаб бу кунни «Йил боши» дейишади, у кунларни эсласам негадир хотирам уйишади, ўтган-кетганларни ёдлаб кўкайим куйишади.

Адашмайман, болалигим зарварақларига энг хушрўй сувратларни шу йилбошилар чизган десам...

Бойқўрғон — энг баҳаво газа, рўпарада кўҳна кенг мозор.

Барча ёш-қари, эркак-аёл қур тортишиб ўтиришар, бир-бировдан ҳеч ким қисинмас, қимтинмас, уёлмас. Ҳар ким келтирган таомларин ўртага қўяр-улашар; сут оши сўк оши, исмалоқ сомса, қуртоба, кесган, умоч... ҳеч ким қуруқ оғиз қолмас. Турфа кўкатларга тўйинган таомлар. Гўштли овқатга кўзим тушмаган, демак, жонлиқни жонсиз қилмас эканлар-да, энди ўйласам.

Кайвони момолар, ялангтўш, мўйсафид боболар бизларни мозорбошига етаклар, ҳар чўкиб кетган жойга бир майдон тўхтар, қай ерда қай пуштимиз ётганин айтар, эсимизда қолсин учун атайлаб ҳар бириси ҳақда нақллар тўқир, ҳар бириси учун бир-бир мозийга бориб қайтар.

Бахшилар секин-аста Гўрўғлига дўнар, сеҳргар най бизлардан Ёзи, Кунтуғмиш чанқовуз тортар, энди даврани ғарқ қилиб «Оҳува» оқар:

Ер йўлларинг узоқдир-а, оҳува,
Ичар сувим булоқдир-а, оҳува,
Ича-ича маст бўлдим-а, оҳува,
Ётлар билан дўст бўлдим-а, оҳува...

Ана, «чаққон»лар Кес-кес ўйнаб айланишаётир. «Мерган»лари чиллак отмоққа шайланишаётир, кўзи бойлоқ, отнинг устидан учириб ўтди. Ким гаров тикиб този итни қувиб етди, Ким...

Қоронғу жуда тез тушар. Қиз-жувонлар ўчоқ бошида ўймалашар, момолар увра узиб куймалашар, энди катта дошқозонда то тонггача сумалак пишар... Бу кеча ҳеч ким ухламас, ухлаганнинг кўзига сумалак тортишар, киприклари ёпишиб қолиб, эрталаб томоша бўлиб ётишар... Топишмоқлар мингта, шаҳарлар саноқли, бори ҳам топқирларники, қўлдан-қўлга ўтар, ҳатто каттароқ қишлоқлар ҳам «қўлдан кетар».

Тахайюл косасига сумалак сузилади, қоғозни қоралаб термалар тизилади:

Мунисим, келдингми бойчечак тақиб,
Қирларда лоладан гулханлар ёқиб,
Юрагим тўлмоқда пойингга боқиб,
Омон-омонмисан, бормисан ўзинг —
Суюк Наврўзим!

Яна, ўша газа...

Бироқ, энди бироз бефайзроқ, Катта Ўра ҳам, чамамда сал саёзроқ. Одамлар барибир чиқишган, қишлоқ шўроси тақиқласа-да, «катта»лар бир-бировин «гўштини еса»да, сумалак қозонларин ағдариб ташлаб, бу эскилик сарқити деса-да... Ана, шаҳардан «вакиллар» келди, «марказ»нинг хатини ўқиб бергали, ё Хотира кунининг бошида тургали, ёки, элу халқ юзини қонундан бургали, ёхуд, давлатнинг обрўсин ерга ургали. Кимлар ўзи улар?

Сенга тош отганлар ғайрилар эмас,
Эсидан, ҳушидан айрилар эмас,
Ўзларимиз эдик, ўзларимиз, бас,
Нетай, бир-бирига ёв бўлса кўзим,
Куюк Наврўзим!

Ва наҳот, яна ўша — арабу мўғул ўчиролмаган, «ўзларимиз» ўзга номга кўчиролмаган, офтобни хира булут яширолмаган кун келди. Бу кун ҳақиқатнинг туғида, ҳақ деганнинг кўз қорачиғида келди. Уни кўплар интиқ кутдилар, шоирлар интизор шеърлар битдилар:

Басирлар билурми, тонготар яқин,
Ғофиллар уйғонур, сен чақсанг чақин,
Не ажаб, лолга ҳам тил энса бир кун,
Кел, аҳли ноқисга тилайлик тўзим,
БУЮК НАВРЎЗИМ!

Холмамат ҲАСАНОВ,
Деҳқонобод ноҳияси.

Қутлуғ байрам ҳақидаги илк туркий ғазал

Халқнинг ҳар бир урф-удуми, байрами унинг санъатида, албатта, акс этади. Наврўз байрами ва унга муносабат ҳам Шарқ халқлари бадиий ижодида кенг ўрин тутади. Қадимги туркий халқ қўшиқлари, илк ёзма ёдгорликлар, «Девону луғатит турк», «Қутадғу-билик»даги тўртликлар ва бошқа жанр намуналарида баҳор эзгуликлари ёниқ эҳтирос билан куйланган. Ўрта асрлар адабиётимиз намояндалари орасида Наврўз ёки баҳор ҳақида ёзмаган адибни топиш қийин. Биргина ғазал жанрида ёзилган бундай асарларни тўпласак, салмоқли китоб бўлади. Мавлоно Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳийлар наврўзнома ғазалнинг беқиёс намуналарини яратдилар. Умумшарқдагидек ўзбек шеъриятида ҳам наврўз ва баҳор эзгуликларини мадҳ этиб ғазал битиш улуғ анъанага айланди. Шоирлар фақатгина ғазал билан чекланмай, шу мавзудаги устозлари, замондошлари, қардош тожик ва озарбайжон ғазалнавислари асарларига беҳисоб назиралар ёздилар. Бу анъана бугунда ҳам давом этаётир. Чунки ҳар йил Наврўз келади. Уни ҳар қалб янгича инкишоф ва талқин этади.

Хўш, бизнинг ғазалиётимизда бу қутлуғ анъананинг бошловчиси ким? Наврўз ҳақидаги илк туркий ғазал қайси бахтли шоирнинг қаламига мансуб?

Бизгача етиб келган ўзбекча ғазаллар орасида ҳукм чиқарадиган бўлсак, бошдан оёқ Наврўз тасвирига бағишланган биринчи манзара (пейзаж) ғазал XIV аср ўзбек адиби Носир Рабғузий ижодида учрайди. «Қиссаи Рабғузий» асари таркибида жойлашган бу ғазал, ғазалнавислигимизнинг юксак чўққисидан қараганимизда, ҳайратга сазовор ери йўқдай туюлади. Аммо, орада олти асрлик масофа ётганлигини ҳисобга олсак, бу ғазалнинг ўзбек ғазалиёти такомилида тутган ўрнини белгиласак, муаллифнинг маҳорати, муваффақияти аён бўлади.

Кун ҳамалға кирди эрса,
келди олам Наврўзи,
Кечти Баҳман, замҳарир
қиш, қолмади қори, музи.
Кун кела минг кўрки ортиб,
тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла
безанур бу ер юзи.
Найшакарлар минбарида
тўтиқуш мажлис тутар,
Қумри, булбул меҳри бўлиб
ун тузар тун-кундузи.
Лола сиғроқин ичар-да,
сайрар усруб сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарда
сакрашур боқлон қўзи.
Кўкда турлаб қўл солишур
қуғу, қоз, қил, қарлуғоч,
Ерда югуриб кафт олишур
тош тийин, кеш, қундузи.
Бир яғиз ер кўк менгизлик
яшноғай майдон бўлиб,
Ўграшур ойтек чечаклар
теграсида юлдузи.
Ҳури айн ужмоқ ичинда енг
солиб таҳсин қилур.
Ёз уза мундоғ ғазални
айтса Носир Рабғузи.

Ғазалнинг бадиий нафосати биринчи мисраданоқ кишини ром этади. Унда табиатда оламшумул янгиланиш юз берганлиги ҳақидаги фикр эҳтиросли ифодаланади: «Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам Наврўзи». Қадим Шарқ йилномасига биноан, Ҳамал — Шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи. Ҳамал ойи ҳозирги 22 мартдан 21 апрелгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Ҳамал ойида жамики мавжудот амал қила бошлайди. Халқ оғзаки ижодиётидаги «Ҳамал — амал» деган мақол ҳам шу табиий жараён ифодаси сифатида юзага келган. Демак, бу сатр халқимиз бугун бот-бот такрорлайдиган «Ҳамал — амал» мақолига ҳамоҳанг. Бу мақол ва ғазал илк сатри замирида халқнинг табиат ҳақидаги асрий заковати мужассам.

Оламга Наврўз ташриф буюрганини қувонч билан олқишлаган шоир борлиқда юз бера бошлаган ўзгаришларни тасвирлашга изчил киришади. «Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон» мисрасида тазод санъатининг мақсадга мувофиқ ишлатилганини кўрамиз. Бу санъат воситасида қиш ва баҳор мавсумининг ўзаро тафовути, қарама-қарши хусусиятлари ёрқин намойиш этилади, ўлик мавсум оғушида ётган оламга баҳор тирилиш бахш этади. Тирилиш олами эса ўсиб-ривожланади, гуллаб-яшнайди.

Ғазалнинг 3, 4, 5-байтлари ҳайвонот ва қушлар дунёсидаги жунбишу жонланиш манзараларига бағишланган. Гўё найшакарлар, яъни шакарқамишлар жонзотлар мажлисидаги минбар-у, тўтиқуш унга чиқиб олиб, шакардай ширин ва ёқимли сўзларни қироат қилади. Қумри ва булбул эса ўзаро меҳрибон бўлиб, кечаю кундуз ҳамоҳанг ун тортади.

«Лола сиғроқин ичар-да, сайрар усруб сандувоч» сатрига эътибор беринг. «Сандувоч» — ҳозирги саъва қушининг қадимги номи. Лола сиғроқи — лоланинг қадаҳасимон шаклини ифодалайди. «Усрук» сўзи-ҳозирги маст каломининг қадим туркий маънодоши. Шоир лола қадаҳига қўйилган шабнамни шаробга ўхшатади ҳамда бу орқали шундай мазмунни ифодалайдики, гўё саъва наврўзий лола қадаҳдан шароб симиради ва мастона сайрай бошлайди.

Кейинги мисраларда шоир ер ва осмоннинг Наврўз палласидаги қиёсий манзарасини чизади. Турналар олис осмонда яктан ун тортиб ўтган чоғда кенг яйловларда «боқлон (боқилган) қўзи»ларнинг такур-тукур сакраб ўйнашлари кўнглингизда шўхчан баҳорий кайфият уйғотади. Айниқса, мана бу байт алоҳида эътиборга молик:

Кўкда турлаб қўл солишур
қуғу, қоз, қил қарлуғоч,
Ерда югруб кафт олишур
тош, тийн, кеш, қундузи.

Дастлаб номлари тушунарсиз жониворлар диққатимизни тортади. Луғатлардан аниқлаб олиш мумкинки, қуғу — оққуш, қоз — ғоз, қил — қилқуйруқ, қарлуғоч — қалдирғоч; тош — тошбақа, тайн — олмахон, кеш — сувсар, қундуз — ҳозир ҳам қундуз деб аталувчи мўйнали жонивор. Демак, ғазал ҳозирда камайиб кетган турли парранда ва жониворларнинг қадимги ҳаёти ва номи билан ҳам бизни таништиради. Байтда осмон манзари — оққуш, ғоз, қилқуйруқ, қалдирғочларнинг чарх уриб парвоз қилиши; ер манзари — тошбақа, олмахон, сувсар, қундузларнинг кафтма-кафт тўқнашуви, олишуви уйғун тасвирланган... Ички қофия тарзида қўлланган «қўл солишур», «кафт олишур» иборалари жониворларнинг ўчоғи тор қишдан чиқиб, Наврўз маҳфилида бағри кенг табиат қўйнида жамул-жам бўлиб қувноқ кўришишлари, эллашишларини ҳам ифодалашга хизмат қилган.

Ер у кўкнинг қиёсий тасвири кейинги байтда яна ривожлантирилади. Шоир «яғиз ер», яъни бўз тупроқ ҳамалда ой ва юлдузлар билан музайян осмон сингари гулу чечакларга бурканганлигини, ер-осмон каби кўм-кўк тусга кирганлигини мадҳ этади.

Ғазал мақтаъи (туғалланма байт) ҳам санъаткорлик билан ёзилган. Мақтаънинг эстетик қиммати, аввало шундаки, у ғазалдаги ҳаётсеварлик руҳини чиройли якунлайди. Бунда шоирнинг дунёвийлик нуқтаи назари яққол акс этган. Маълумки, таркидунёчилар «чинакам гўзаллик нариги дунёда, яъни жаннатда, жаннатдаги ҳуру парилар инсонлардан аъло» деган фикрлар билан оммани ҳаётсеварликдан чалғитганлар. Рабғузий эса ғазалда ердаги ҳаёт гўзалликларини тасвирларкан, «ер ва ундаги ҳаёт гўзаллигига ва Наврўз ҳақидаги ғазалимнинг ҳаётбахшлигига жаннат ҳури енг солиб таҳсин қилади», деган фикрни ифодалайди. Бу байт шоирнинг фахрияси ҳамдир. У ўзининг ғазалнавислик санъатига ифтихор билан юқори баҳо берган. Шоирнинг сўз қўллашдаги маҳоратини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим кўринади. У ўз бадиий мақсадини мукаммал даражада амалга оширадиган «ёз» сўзини топқирлик билан танлаган ва жуда ўринли ишлатган. «Ёз» деганда биз йилнинг баҳор билан куз орасидаги энг иссиқ фаслини, ёзмоқ ва ёймоқ феълларининг буйруқ майлини, кўчма маънода эса умрнинг энг гуллаган, самарали даврини (масалан, ёзим ўтди...), қалбнинг қувончга тўлган чоғини (масалан, кўнгли ёз бўлди...) тушунамиз. Қадимги туркий тилда «ёз»нинг чўл, дашт маъноси ҳам бор. Носир Рабғузий кўпроқ шу маънога урғу берган. Бу эса байтдаги ўта зидлик (контраст)ни юзага келтирган. Шоир бу сўз воситасида баҳор фаслида алвон лолалар, ям-яшил ўсимликлар, турфа гулу чечакларга бурканган чўллар жаннат боғларидан афзаллигини намойиш этган.

Тузилиш таркибига (композицион хусусиятларига) кўра бу ғазал ўзбек ғазалиёти ривожида алоҳида ўрин тутади. У ўзбек ғазалиётининг нодир намуналаридан бири-якпора ғазалнинг илк ва гўзал намунасидир. Якпора ғазалларда ҳар байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байтларга изчил боғланган бўлади. Якпора сўзи яхлит деган маънони билдиради. Якпора ғазалнинг мазмуни матлаъда кўтарилган бир мавзуни изчил ёритиш жараёнида вужудга келади. Рабғузий ғазали матлаъида табиатдаги фасл алмашиниши, қиш ўрнини баҳор эгаллаши тасвирланади. Кейинги мисраларда эса матлаъидаги мавзу ва мазмун изчил ривожлантирилади. Сўнгги барча байтлар бир-бирига мантиқан маҳкам боғланиб, баҳор кунларида жаҳон кўрки тобора ортиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламида жонланиш, ўсиш-ўзгариш юз бериши, умуман, ҳаёт қизғин тус олиши ҳақида сўйлайди.

Қизиғи шундаки, Навоий даврига қадар ҳам бундай ғазаллар кам яратилган. Чунки якпора ғазал яратиш катта маҳорат талаб қилар эди. Шоирлар, асосан, пароканда ғазаллар ёзардилар. Пароканда ғазалдаги умумий бадиий мазмун ёхуд композиция тарқоқ ҳолда бўларди. Ҳар байтдаги алоҳида-алоҳида мазмун яхлит ҳолда пароканда ғазалнинг ғоявий мундарижасини ташкил этарди. Навоий пароканда ғазаллар билангина чекланган замондошларини танқид қилиб, ғазал композицияси ҳақидаги истакларини баён этган эди: «Сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур, тажовуз қилиб махсус навъларда сўз арусининг жилвасиға намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан майлан махсус навъада воқеъ бўлса, ҳамул малтаъ била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдирмайдурурлар, балки туғагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлик қилибдур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқе бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъгача сурат ҳайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай».

Демак, Навоий талаби нуқтаи назаридан ёндашсак, якпора ғазалнинг матлаъида қайси масала кўтарилса, кейинги байтларда ҳам шу мавзу изчил ёритилмоғи, байтлар мазмунан бир-бирини қўллаб-қувватламоғи, тўлдирмоғи, давом эттирмоғи шарт. Бугина эмас, ғазалнавис ғазалда сўзларни кўркам, бир-бирига мувофиқ шаклда жойлаштирмоғи, ғазалнинг қофия унсурлари, радиф каби шаклий-бадиий хусусиятларини ҳам шу тартибга бўйсундирмоғи лозим. Ана шундай талабчан мезон билан ёндашганимизда ҳам, Рабғузий ғазали ўз даврининг юксак бадиий асари эканлигига иқрор бўламиз

Нусратулло ЖУМАЕВ,
филология фанлари номзоди.

Дилдан кетади ҳижрон

Баҳор гар бир қиз бўлса,
Наврўз келинчак даври.
У юртга келган замон
Дилдан кетади ҳижрон.

Ҳа, шоир айтганича бор. Наврўз деганда кишининг кўз олдида баҳор ва бахт, шодлик, байналмилаллик байрами намоён бўлиши аниқ.

Қайта қуриш барча жабҳалар сингари диёримизга ҳам кўпгина эркинлик шабадасини олиб келди. Наврўзи олам қайтадан тирилди. Миллий урф-одатлар, анъаналар амал қила бошлади.

Наврўзи оламнинг файзи ўзгача, таърифи чексиз. Чунки бу куни кишилар ўртасидаги гина-кудратлар кўтарилади, ҳамманинг қалби қувончга, она заминга бўлган меҳр-муҳаббатга тўлади. Онахонларимиз дошқозонларда азалий миллий таом — сумалакни пиширадилар. Отахонларимиз сузган ҳалимлардан тупроққа илк бор чигит қадайдиган деҳқонлар белига қувват бўлади. Кўчат ўтказиш, гулзор ташкил этиш юмушларида қарию ёш фаоллик кўрсатади.

Наврўз, айниқса, қишлоқларда ўзгача файз билан ўтади. Сумалак учун дошқозон осилган хонадонларда эрта тонгдан кейинги тонггача ўйин-кулги, шоду хуррамлик аримайди. Қизалоқлар сочларини майда ўриб, толбарг тақадилар, қошларига ўсма тортадилар. Қизжувонлар янги кунни Косонсой атласларию, сунбул сочларини кўзкўз қилувчи «Гулноз», «Сарвиноз», «Дилдор»у «Баҳор» аталмиш дўппиларда, йигитларимиз банорас тўнларда кутиб олишади.

Бу йил Наврўзга жумҳуриятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида тараддуд ўзгача бўлганлиги аён. Жумладан, қишлоғимизда ҳам бу серфайз байрамга катта тайёргарлик кўрилди. Бу ерда турли тадбирлар қатори ўғил болалар учун варраклар конкурси, қизлар учун «гўзаллик» номли гуллар конкурси ташкил қилинади. Ғолиблар эса байрам совғалари билан тақдирланадилар.

Гулчеҳра МЕЛИБОЕВА,

Фарғона вилояти Ленинград ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалигининг Калтатой қишлоғи.



Хушдурур боғи коинот гули,
Барчасидан яхшироқ ҳаёт гули!
НАВОИЙ

Аъзамжон МИРЗАЖОН
сурат-лавҳаси

Беруний Наврўз тарихи тўғрисида

Юлдузлар ичида бизга энг яқин бўлган Қуёшимизнинг йиллик йўли эклиптика дейилиб, 12 та зодиак (300 — ҳайвон) юлдуз туркумлари ичидан ўтади ва ҳар туркум ичида бир ойдан юради.

Эклиптиканинг баҳорги тенг кунлик нуқтаси Ҳут юлдуз туркуми ичида жойлашган бўлиб, бу ойни эронликлар тилида фарвардинмах — ёз боши дейилади. Мазкур ойнинг биринчи куни «Наврўз» бўлиб, араблар тилида эса «Найруз» демакдир. Бу кун эронликлар календари бўйича Қуёшнинг Саратон (июль ойи) буржига кириш вақтига тўғри келар эди. Ҳозирги вақтда машҳур кунлар, маросимлар устида фикр юритаётганда тарихий манбаларга ва маълумотларга ёндашиш аниқ ва ижобий натижалар беради.

Буюк алломамиз Абу Райҳон Беруний ўзининг «Осор ал-боқия» «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзғолишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан то такомиллашгунича давом этган вақтга тўғри келиши ҳақида маълумот берган.

Наврўзи оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган. Жумладан, унда шундай ҳикоят келтирган. Аббосийлар халифаси ал — Маъмун (819 — 833 йилларда подшолик қилган) ўзининг яқин кишилари бўлмиш Али ибн Мусо ар-Ризодан «Наврўз нима?», деб сўраганда, у: «Наврўз фаришталар улуғланган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган, у замоннинг биринчи кунидир», — деган (Б. 1. 253-бет).

Хавшияликларнинг айтишича, Сулаймон подшоҳнинг узуги йўқолган, подшоҳлиги ҳам қўлидан кетган. Қирқ кундан кейин узуги топилгач, подшоҳлиги ҳам, равнақи ҳам қайтиб келган. Подшоҳлар унинг ҳузурига тўпландилар. Шунда эронликлар: «Наврўз омад», яъни «янги кун келди» деганлар. Натижада шу кун Наврўз деб аталди.

Боғдод мубада Озарбоднинг ҳикоя қилишича, Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлгану уни ҳеч ким билмаган. Жамшид серсув қамишнинг ширасидан шакар тайёрлатган, бешинчи куни уни излаб бир-бирларини табриклаш учун ҳадя қилганлар. Демак, бу байрам ҳосил йиғиш байрами — меҳржон деб аталиб, Қуёшнинг қишки тик туришига, яъни қишки тенгкунлик 22 декабрга тўғри келиши астрономларга, шахсан ўзимга, касбдошларимга маълум.

Эронликларда шу куннинг тонгида бир-бирларига гап гапиришдан олдин шакар тотиб, баданига зайтун мойи суртган киши йилнинг ҳамма кунларида турли балолардан озод бўлади, деган ишонч бор.

Беруний маълумот беришича, Эроннинг Жамшид ва ундан кейинги подшолари ҳам Наврўз ойининг барча кунларини байрам (хайит)га айлантирганлар. Бу байрамларни олтита беш кунликка тақсим этганлар, яъни биринчи беш кунлик подшолар учун, иккинчиси — улуғ кишилар учун, учинчиси подшонинг ғуломлари учун, тўртинчиси хизматкорлари учун, бешинчиси бутун шаҳар халқ оммаси учун, олтинчиси чўпонлар учун ўтказилган.

Шу сабабдан ҳозир 21 мартдан то 3 майгача барча кунларни Наврўз ойи деб байрам қилинади. Бу кунларда турли урф-одатларни эслаб, атроф-муҳитни дид билан тозаланади, турли кўкатларни териб витаминли таомлар, буғдой ундириб, сумалаклар пиширилади. Қариндош-уруғларни ёд олиб кўришга, ота-боболарни, ўтган авлодларни хотирлаб қабрларини зиёрат қиладилар. Беморларни Наврўз таомлари билан йўқлаб кўнгил кўтарадилар ва хуллас дала ишларига киришиб кетадилар.

Ориф ОБИДОВ,
ўқитувчи.

Тўй

Талабалар ётоқхонаси. Тор хонамда бесаранжомлик.

Эшигим тақиллайди. Қия очаман. Остонада ётоқдош толиба. Довдираб қоламан. Киришга ийманади у. Ортига яширган қўлини тутади — пиёла.

— Сумалак олиб келдим. Уйдагилар юборишган... Наврўз олдидан. Тилим айланмай қолади. Қўзларим чақин. Кўнглимда Сурхон адирларини ўпиргувчи сел оқади гўё.

У эса бошини эгибгина қайтади. Ҳолсизгина эшикка суянаман. Меҳр ияр кўксимдан. Эгачимга ўхшайди, дейман ортидан. Менинг ройи-хоҳишим, кўнглим билан аллақачон ҳисоблашмай қўйган шаҳарнинг қишлоқлик қизи.

Қўлларимда оташ бордай. Пиёлада икки ялам сумалак. Оғзи тегсин, деган. Ҳар кимнинг ўз кўнгли яқинига илингувчи таом таомили бажо!

Хонамга нур киргандай. Хаёлан баҳорда юраман. Шодумон эл қозонига мўлтираган юлдузлар хира саҳарларда кезаман. Толибликнинг нигоҳи ўч девордаги сиймтан жононлар суратидан-да, уялади қўзларим. Ва сезаман, хонамда-да, дунёда баҳорлигини.

...Гаштли бўлади-ёв ўзиям! Кичкиналарга ҳам кун туғади. Тўрт-беш жўрачалар тўпланишиб талашиб-тортишадилар. Ҳовлиларингда сумалак қайнаётгани учун ҳам даврабошилик укангга тегади. У мағрур, тенгқурлари измида унинг.

— Энам сумалакка ун олиб келган, — дейди Мели.

— Бианикидан ўтин келди. Ўзим кўрдим, — қўшилади Собир.

— Мен ҳам ўйнайман, қозон бианики...

— Энам шу ерда. Сумалакка ёрдамлашаяпти...

Жужуқлар чуғирлайдилар. Фақатгина кўча адоғидан келган Жовли ажралиб қолади. Жовдираб • тураберади. Орага катта энанг қўшилади.

— Ҳай-ҳай, индаманглар. Жовлибой ҳам ўйнаберсин.

— Нимага? Бу ерда ҳеч ким жўқ-ку.

— Унинг энаси ун қўшган. Шунда катта энанг укангнинг ўнгиридан тортиб қулоғига шивирлайди. «Энаси овур оёқли... Ишдан қайтса отаси келади. Тонггача ўтин жоғади. Шундай кунда нуқилашманглар, қўзилар....»

Ҳовлиларинг қўни-қўшни, хотин-халаж гангур-гунгурига, болакайлар қий-чувига тўлади. Умрида бир ўтмайдиган, уялчан қўшни қизларга ҳам худо беради. Елиб югуриб кампирларга қоқиндиқ. Пойи—патак. Айниқса, момоларнинг бирови: «Қани кучингди кўрайик: мави гўлаларди ўтин қип бер; Келинди меҳнатингга яраша топамиз...», деган гапи сариёғдай ёқса-да, ноз қилиб қўясан. Шарт тағин ўзгаради. Тонггача ўчоққа ўтин ташлаб турсанг нимаики оранинг бор ушалади, мактабни тугатиб катта-катта шаҳарларда ўқийсан, баобрў муаллим, раис бўлиб қайтасан.

Эҳе-ҳе, нақадар ширин кечади ўша кеча. Яна шундайин, дошқозон олдида ҳамма дилига тукканини айтади. Назарингда, нияти пок кишилар йиғилганга ўхшайди. Сезасанки, сен ҳам худа-бехуда гапиравермаслигинг керак. Йўқса, Ғози кампирдан балога қоласан. Фаришталар ўша тун яхши гапингга ҳам, ёмон гапингга ҳам «омин» дермиш.

Эрталаб уйларингга ота-тегарга одамлар келишади. Катта энангнинг олдида Жовлининг онаси Зуҳра опа уялибгина ўтиради. У биринчи татиб кўради. Ирим шунақа; боши қоронғу аёл яласа, худойим Алпомишдай ўғил, Ойбарчиндай қиз беради. Сўнгра узоқ ерда аскарлик бурчини ўтаётган, эрта-индин эшик қоқиб келадиган йигитлар улуши олинади: илойим, насибаси ҳамиша бутун бўлсин, ризқу рўздан узгулик қилмасин.

Кўнглим сув момо. Столимда пиёла. Дилдош қизнинг қайишгани. Негадир ўксиётгандайман. Тонгни кутаётирман. Хўп моможон, албатта бораман. Менинг шаҳримда ҳам Наврўзни байрамдан-да байрамлироқ қилиб ўтказишади. Ахир ўзгача бўлиши мумкинми? Ҳа, эрта тонгда пиёлангизда чўп тик турса ошиғини ланг очинг, бу мен бораяпман...

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
ТошДУ толиби.

Наврўз мушоираси

Соғинч

Умидим баҳори, соғинган гулим,
Қафаси очилган қолон булбулим,
Қувончдан қичқирар ўкинган дилим,
Ўзлигини топган, Ўзбегим элим,
Наврўзи оламинг муборак энди!
Соғинган кўзларда кулар бойчечак,
Ердаммас юракдан унар ҳар чечак,
Авлодларга — биздан аламли эртак,
Йўқотиб топганинг — Наврўз муборак!
Топгунча бўлди-ку, жон ҳалак энди!

Имоннинг изидан эргашди сарҳор,
Виждоннинг юзидан артилиб ғубор,
Элим, деб тилим, деб куйганларинг бор,
Куйинган ҳар жонга бу жоним нисор,
Жон элим, бас етар, ухламоқ энди!
Бу Наврўз тонгида ҳар жон уйғонсин,
Ерининг енгидек лолалар ёнсин,
Оролим, онам деб Аму тўлғонсин,
Янги кунга етган жонлар қувонсин,
Қувонган кунларинг муборак энди!

Маҳмуд ТОИРОВ.

Ўйнар

Ўзгардими замонлар,
Ушалдими армонлар,
Яшасин, Наврўзимиз
Қайтиб берган инсонлар!
Ўйнар, қора кўз ўйнар.

Сулув Дилафрўз ўйнар,
Даврамизни тўлдириб,
Навқирон Наврўз ўйнар.
Туйғуси нозик-нозик,
Кулгуси нозик-нозик,
Наврўз билан юртимиз,
Бўлгуси нозик-нозик.

Куйлатиб, ҳой ўйлатинг,
Олмахонни куйлатинг,
Ҳузур қилай десангиз,
Гулчеҳрани ўйнатинг.
Сафо Очил келдими,
Тўйдан огоҳ бўлдими,
Наврўзи олам чоғи,
Биздан кўнгли тўлдими.

Сафо ОЧИЛ.

Сурурбахш ўй

Сарҳовуз бўйлари чаман-чаман гул,
Чайқалиб туради майин сабода.
Сайрайди баргида мастона булбул,
Муаттар қўшиқлар оқар ҳавода!!!
Ёшлик йилларимнинг азиз ҳамроҳи,
Ўйнар эдим бўйин бўйлаб бўйнига.
Кўнгил гулзорининг ҳурлиқо моҳи,
Айланиб қолганди алвон ўйнига.

Гулсара ХУДОЙБЕРГАНОВА.





Ўзбекистон телевиденниеси халқимизнинг азалий байрами Наврўзга бағишлаб 24 соатлик кўрсатув тайёрлаган жумҳуриятимиздаги барчага маълум. Кўрсатув муаллифлари унинг қизиқарли бўлишига, халқимизнинг гўзал байрами қирраларини имкони қадар тўлароқ намоён этишга интилдилар. Томошабинлар учун севимли бўлган турли вокал-чолғу, эстрада, фольклор-этнографик ансамбллари, яккахон хонандалар қўшиқ ва куйлари байрам программасига ҳузурбахш мазмун киритади.

Сиз суратларда Наврўзга ўзига хос қўшиқлар тайёрлаган турли санъаткорларни ҳамда кўрсатувни суратга олаётган телевидение ходимларини кўриб турибсиз.

Суратчилар: Ф. ҚУРБОНБОЕВ, А. РИСҚИЕВ, А. САМАТОВ.







Кўклам васфи

Тошкент шаҳридаги 27-кечки ўрта таълим мактабида турли миллат вакиллари таҳсил олишади. Медицина ҳамширалари тайёрлаш ихтисослашган бу таълим даргоҳи ёшларнинг Шарқ халқлари азалий байрами Наврўзни нишонлаш ниятни мактаб раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Мактабнинг адабиёт муаллимаси Гулнора Муҳаммаджонованинг жонкуярлиги, ёшларнинг шижоати, куч-ғайрати туфайли Наврўз байрами сермазмун ва қувноқ кайфиятда ўтди. Мактаб ўқувчилари қошига ўша куни Р. Субҳон, Ч. Аваз, А. Карим, А. Акбар каби ёш шоирлар ташриф буюришди. Қадимий халқ яллалари, шўх куй-қўшиқлар, шеърлар янграган байрам кечаси йиғилганлар дилига сурур бахш этди.

* * *

С. Вафоева, Н. Эшонқулов, Б. Тўхлиев, С. Ражабова, А. Отабеков каби бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий адабиёт тарғиботи маркази йўлланмаси билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳияси ва шаҳрида меҳнаткашлар ҳамда талабалар ҳузурида учрашувлар ўтказдилар. Учрашувларда ҳукмронлик қилган байрам руҳи, шеърхонлик йиғилганларнинг турли муаммолар борасида саволлар бериб, мулоҳазалар билдиришига монелик қилмади.

Ноҳиядаги «Мионқол овози» ижодкорлар уюшмаси аъзолари шаҳар фирқа қўмитаси мафкура бўлими билан ҳамкорликда Каттақўрғонда яшаб ижод қилган шоир ва ёзувчилар хотирасини абадийлаштириш борасида ибратли ишларни режалаштирганликларини таъкидладилар. Айни пайтда бу уюшмада Н. Ҳожиев, Н. Дўсанов, Р. Оллоёрова, А. Раҳматова сингари ижодкорлар шеър ва ҳикояларини ўзаро муҳокама қилиб боришмоқда, уларни мухлислар ҳузурида синовдан ўтказишяпти.

А. ҚУРБОНОВ.

«Сумалак сузинг, она...»

(ЎЙЛАР)

ҲЕЧ КИМ СУМАЛАКНИ менчалик яхши кўрмас. Баҳор келишини интиқлик билан кутмас. Ва қишлоқда, мўъжизагина кўчада яна сумалак дошқозони қайнамаганидан ўкинмас.

Мен дошқозонда сумалак қайнамаган кўчага баҳор келган деб ҳисобламайман. Баҳор келмаган кўчалар шунчалик кўпки. Назаримда йиллар ўтгани сайин бундай бахтдан бенасиб кўчалар кўпайиб бораётгандай. Худди бугунгидай ёдимда. Ўшанда дорилфунуннинг учинчи курсида ўқирдим. Баҳор кунларининг бирида уч-тўрт қизни жумҳурият радиосининг «Пионер эрталиги» эшиттиришига таклиф қилишди. Журналист Эркин Маликов сумалак ҳақида эшиттириш тайёрлаётган экан.

— Қизлар, ҳар бирларингиз ўз қишлоқларингизда Наврўз байрамини қандай нишонлашларингизни ва сумалак тайёрлаш жараёнидаги кузатишларингизни айтиб берингизлар, — дейишди.

Юрагим севинчдан қалқиб кетди. Ким болалигини ҳаяжон билан ёд олмайди, дейсиз. Кўз олдимга қишлоғимизнинг азиз онахони Улбўсин хола келди. Қишлоғимизда ҳар йили ўша хола буғдой кўкартирар, сумалак пиширишга тайёргарликни биринчи бўлиб бошлардилар. Хуллас ўша кунги эшиттириш жуда яхши бўлди. Мен Улбўсин хола ҳақида, қишлоғимизда сумалак қандай тайёрланиши ҳақида билганларимни гапириб бердим. Кейин эшитсам, буни Улбўсин хола ҳам радиодан тинглаб, жуда хурсанд бўлибдилар.

Лекин бу қувонч узоққа бормади. Кейинги сумалак пишириш вақтида қишлоғимизда хола йўқ эдилар. Вафот этгандилар. Ўша йили қишлоғимизда илк бор сумалак пиширилмай қолди. Баҳор ҳам файзсиз кириб келди.

Ўшандан кейин ҳар баҳорда қалбимни бир тушкунлик эгаллайди. Қишлоғимизда дошқозонлар қайнамай қўйганди. Орадан йиллар ўтиб, икки-уч бор сумалак пиширилди. Лекин болаликда хотира бўлиб қолган кабри қувонч, уюшганлик ҳислатлари йироқ эди бу маросимдан.

Ҳали-ҳануз ўша кунларни интиқ кутаман. Бугунги болалар бир ажойиб анъанадан бенасиб бўлиб ўсаётганидан озорланаман.

Тўғри, ҳар йили сумалак пиширилади. Лекин аввалгидек бутун қишлоқ бирлашиб эмас. Айрим-айрим, ҳатто баъзи хонадонлар ўзларига-ўзлари пишириб олишади. Мен ундай тайёрланган сумалакларни ўша ном билан атай олмайман. Ёшлар ҳам кўнгилинг бўлмайди. Назаримда, мана шу ҳолат қишлоқларда ҳам ҳамжиҳатлик, тотувликка дарз кетаётганини ифодалаётгандек бўлиб туюлаверади.

Самарқандга рўзномамизнинг ўз мухбири бўлиб жўнатилганимнинг биринчи йили эди. Қишнинг сўнгги кунлари.

Бир-икки танишлар билан сумалак ҳақида гапиришиб қолдик. Шунда мен кўнглимдагини яшира олмадим:

— Баҳорни ҳақиқий ҳис қилишим учун қишлоқда яшаш керак. Баҳор қишлоққа бошқача қиёфада ташриф буюради. Сумалак, айниқса сумалак қишлоқда тайёрланади.

— Шаҳарликлар ҳам сумалакни қишлоқдагилар билан бир пайтда ейишади. Хавотир олманг. Ҳатто «дом»ингизга келтириб беришади, — деди бир танишим.

Мен ҳайрон бўлдим.

— Тўғри, қишлоқдагидек ўзингиз тайёрламайсиз, лекин истасангиз ҳар куни ейсиз. Шаҳарда, бу ерда сумалакни идишларга солиб, сотиб юришади.

Таомнаи лол қолдим. «Сумалакни сотишади?» Янглиш эшитмаётган эдим. Ахир сумалак ҳам сотиладими? Тўқсонга яқинлашган бувининг гаплари наҳотки ёлғон бўлса.

— Болам, сумалакнинг бир томчисин ҳам увол қилмаслик керак. Гуноҳ бўлади. Ахир у азиз нарса. Биринчи марта ялаётганингда ичингда энг яхши тилакларни ният қилиб яласанг, амалга ошади, — дердилар.

Ёдимда, сумалак пишаётган хонадонга озода кийиниб бориш керак бўларди. Ўзини ҳар хил қилиш билан гуноҳли деб билганлар сумалак пишаётган ерга бормасди. Тўғриси, қизларнинг гапига барибир ишонмадим. То ўз кўзим билан кўрмагунча. Бир куни ишдан қайтаётиб эшитиб қолдим.

— Кеп қолинг, сумалакка, сотаман-у, кетаман. Килоси икки сўмдан.

Қулоғим том битгандай бўлди. Подъезд эшикларидан қўлларида идиш кўтарган аёллар, болалар кўринди. Сумалак сотувчининг қўли-қўлига тегмасди. Бир зумда катта идишдаги сумалак сотиб бўлинди.

Сотувчи сумалакдан тушган пулларни мамнун санай бошлади. Сумалак сотиб олган аёллар табиатнинг тансиқ таомига эга бўлганларидан мамнун бўлиб, уйларига ошиқишарди.

Бундай манзарани кузатиш азоб эди. Кўз олдимга Улбўсин холанинг қиёфаси келди. Норози бўлиб лабларини қимтиб тургандай гўё.

Қулоғимга бувининг хазин товуши эшитилди:

— Сумалак азиз таом, болам.

Азиз нарса ҳам килолаб сотилар экан. Кимлардир бу азиз таомни сотиб пул ишлар экан, бувижон. Эшитяпсизми?

Вилоят рўзномасида ишлайдиган Мустаҳкам исмли ҳамкасбим бор. Жуда таъсирчан қиз. Ўша гапириб қолди.

— Миллий анъаналаримизни билолмай, ўқиб, момоларимиздангина эшитяпмиз, холос. Мана, баҳор келяпти, ёшлар сумалак пиширишни билмайдилар. Менинг эса сумалак егим келяпти.

Армонинг ҳам турлари кўп-да. Мустаҳкамнинг сўзлари кўз олдимга қайнаб турган дошқозондаги сумалакни келтирди. Дошқозонда қайнаётган сумалакни кўрганмисиз? Учига капгир боғланган ўқлоғини ушлаб, кўзларингизни мудроқ босиб, қайнаётган сумалак қозонини кавлаганмисиз? Ҳамласини қўйиберинг, сумалак ҳидини туйиб-туйиб сархуш бўлиб ҳидлаганмисиз?

Қайвони онахонинг қатор турган идишларга сумалак сузганини интиқлик билан кузатганмисиз? Сумалак юқи қолган қозонни нозик қўллари билан ялашга ошиққан болакайларнинг шўх кулгиларига жўр бўлганмисиз?

Майда ўрилган сочлари елкасида чўлганиб, кешда унган буғдойни янчган қизлар, сумалак дошқозонга ўчоқ ковлашни билмаган йигитлар янгалар синовидан ўтмаслигини кўрганмисиз?

Бу ҳолатларни туймаган, манзараларни кўрмаган бўлсангиз — сизга яна нени айтиб, нени сўзлайин?

Тилагим, ҳар бирингизга болалигингиздан, ўспиринлигингиздан сумалак пишириб, ухламай чиққан тунларингиз ширин бир эртакдек бўлиб қолсин ва ҳар бирингизга ушбу каломни айтиш насиб этсин:

— СУМАЛАК СУЗИНГ. ОНА...

Гули ЧЕҲРА



Наврўз туни. Чексиз само қаърига тикиламан. Ой ҳар қачонгидан равшан, юлдузлар чарақлайди. Улар менга сирли шивирлар, имлар, жилмаяр, хаёлларимни олис болалик томон олиб кетарди...

Ойим ҳаммамизни тонг саҳарда уйғотардилар: «Турингларl Узоқ ётган бир умр ғафлатда қолади. Бугун Наврўз!» Наврўз сўзи қулоғимизга чалиниши билан ўрнимиздан ирғиб турардик. Шу куни биз болаларга янги кийим кийдиришар, дастурхонга қанд-қурсларни сочиб ташлашарди. Ҳатто чўнтагимизга солиб олсак ҳам индашмасди. Қайтанга дадам: «Олгин, кўпроқ олгин, йил бўйи қанд ана шундай кўп бўлади», — дердилар. Чўнтагимни тўлдирардим-да, кўчага югурардим. Маҳалланинг мачити майдонида болалар варрак учирар, ошиқ, ашқол ўйнашарди. Мен кўпинча ошиқбозлар даврасига қўшилардим. Ошиқбозларнинг зўри Сакбозлар маҳалласидан Али чўқчи эди. Ҳа, айтганча Гулбоғ қишлоғи етти — Қассоблар, Саватчилар, Лайлаклар, Нишолдахўрлар, Бангилар, Сакбозлар ва Тентаклар маҳаллаларидан иборат эди. Бизнинг маҳаллани Нишолдахўрлар деб аташарди. Қишлоғимиздаги ягона нишолдапаз — Тўқли бобо шу маҳалладан эди-да. У ҳар жума, якшанбада ва ҳайит кунлари нишолда пиширар, эрталабдан маҳалланинг болалари коса кўтариб Тўқли бобонинг дарвозаси олдида қатор туришарди. Қишлоқ оқсоқолларидан мулла Карим (Лайлаклардан) бир даврада бизнинг маҳалла одамларини «Нишолдахўрлар» деган. Шу сабаб бўлган-у Темирчи маҳалласи Нишолдахўрлар номини олган.

Яна бир қизиқ ҳангома. Тентаклар маҳалласидан Жобир кўса мулла Каримга бориб, маҳалламизнинг номини ўзгартиб берасиз деб туриб олган. «Катта-кичик билан маслаҳатлашиб, бирор яхшироқ ном топиб келинглар», — деган у. Жобир кўса одамларни тўплаб маслаҳатлашганда, униси у, буниси бу деган. Бир қарорга келолмай, ўртада катта жанжал чиқиб, охири муштлашувга айланган. Қишлоқнинг кексалари бориб зўрға тинчитишган. «Сенларга Тентаклар номи бобомерос, ўзгартиришга арвоҳлар йўл бермаяпти», деган қариялар. Бу маҳалладан кўп зиёлилар, донгдор кишилар чиқди. Лекин ном ўша-ўша. Кўникиб кетишган, ҳеч кимга оғир ботмайди. Ҳатто маҳалланинг аравакаши Турсун пиёз (болалигида пиёз ўғирлаб қўлга тушган) қайси бир даврада бўлмасин, «Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин», деб мақтаниб ҳам қўяди.

... Али чўқчи бир кўзини узоқ қисиб туриб, соққани шундай чертиб ташлардики, ўн-ўн беш метр нарида пукка ётган ошиқ ҳам учиб кетарди. Мен ҳам чакки эмасдим, давранинг ичига кириб олсам бўлди, ошиқларни бир бошдан терардим. Лекин маррадан туриб мўлжал олишда Али чўқчига етадигани йўқ эди.

Ўша куни анчагина ошиқ ўйнадик. Ўйинга катталар — Сафо кал, Мирзо қиморбоз, Туроб жанжаллар келиб қўшилгандан сўнггина даврани тарк этиб, мачит ёнидаги чинор остида суҳбат қурдик.

— Биласизларми, — деди Жамол жаққи (қўлидаги ошиқларни доимо бир-бирига уриштириб юргани учун шундай деб аташарди), — бу кеча Лайлатулқадр ўтаркан.

— Биламан. Ман Лайлатулқадрга соққамни кўрсатаман, — деди Али чўқчи қўлидаги соққасини ўйнатиб. — Тиллодан соққам бўлади.

— Манчи... ман, — деди бироз ўйлаб туриб Ҳайдар дароз, — варрак ясайман-да, кечқурун учириб, томимиздаги симёғочга боғлаб қўяман.

— Фойдаси йўқ, — деди Жамол жаққи. — Лайлатулқадрни кўриб тилагингни айтишинг керак. Бунақада ҳамма тилло варракли бўлади-ю...

Биз Лайлатулқадр нималарга қодир эканлиги тўғрисида узоқ баҳслашдик.

Кечқурун овқатдан сўнг бобомдан сўрадим:

— Лайлатулқадрни кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман, болам — бобом узун, оппоқ соқолларини узоқ силадилар. — Уни кўриш камдан-кам кишиларга насиб этади. Лекин учиб ўтганини сезганман. Шундай тумшуғида дон билан далалардан шовуллаб учиб ўтади. Ана шу дондан қаерга ташласа, ўша ерда ҳосил мўл бўлади.

— Гулбоғгаям ташлаганми, бобо?

— Ташлаган болам, кўп бор ташлаган. Бўлмаса, Гулбоғ бўлармиди. Толеинг баланд бўлса, Лайлатулқадрни албатта, кўрасан.

Ўша тун Лайлатулқадрни қандай бўлмасин кўришга аҳд қилдим. Томга чиқиб, осмонга қараб туравердим. Ой сузиб, мен томон кела бошлади. Шундоқ тепамда тўхтаб қолди. Гўё қўл узатса етгудек эди. Қани энди, бир сакраб унга чиқиб олсам-у, Лайлатулқадрнинг маконини топиб, тилакларимни айтсам. Дарвоқе, нима дейман унга?.. Нимани кўрсам, ҳаммаси майда, арзимайдигандек туюлаверди. Йўқ, тиламчилик қилмайман, фақат дадам ва ойимнинг дардларига шифо бер дейман. Ойим уруш йиллари совуқда оёқ яланг сувчилик қилганлари учун бод касалига йўлиққанлар. Дадам тайёра дори сепган майдонга кираверганларидан нафаслари сиқадиган бўлган. Касаллари ҳуруж қилганда жудаям ёмон бўлади... Кейин тезроқ улғайсам-у, Тошкентга ўқишга борсам, Манзура ҳам мен билан борса... Шу орзум ушалсин дейман. Тамом, бошқа нарса сўрамайман. Яна тилла балиқчадек жаҳли чиқиб...

Совуқ қотдим. Ўрнимдан туриб юра бошладим. Пастдан ойимнинг овозлари эшитилди:

— Абдулла! Ярим тунда томда нима қилиб юрибсан?

— Лайлатулқадрни кутаяпман.

— Вой, болагинам-эй! Туш, эшикнинг олдида жой қилиб бераман. Шу ердан кўкка қараб турасан.

Ёстиқни кўксимга босиб, икки қўлимни иягимга тираганча юлдузларга тикилиб ётдим. Шу ҳолатда қанча турганман, билмайман. Бир пайт кўзимни очсам, кун ёйилиб кетган.

Лайлатулқадр тонг саҳарга яқин учиб ўтибди. Бобом унинг ўтганини сезибдилар. Тўғриси кўролмаганим алам қилди.

— Нега уйғотмадингиз, балки менга кўринармиди, бобо?!

Бобом кулимсираб, қўлларини елкамга қўйдилар:

— Ҳар ким ўз Лайлатулқадрини ўзи кутиши керак. Ҳечқиси йўқ, ёшсан, аҳд қилсанг, кўрасан.

Мен Лайлатулқадрни кўп бор кутдим. Лекин кўраолмадим. Фақат бир марта учиб ўтганини сездим...

Орадан анча йиллар ўтди. Болалар ҳам, катталар ҳам Лайлатулқадр ҳақида гапирмай, уни ўйламай қўйишди. Назаримда, одамлар умидсизланган, орзуларининг ушалишига, бир кун уларгаям бахт-толе кулиб боқишига ишончларини йўқотгандай эди. Гўёки уларга Наврўз ҳам, бошқа байрамлар ҳам фарқсиз, бу оламда турмуш ташвишларидан бўлак ҳеч нарса йўқдек эди. Дунёни бошимга кўтариб, дод солиб, ҳайқиргим келарди: «Нега, минг йиллар мобайнида Лайлатулқадрни кутган, уни бир бора кўриш орзусида тунларни бедор ўтказган одамлар бунчалик умидсиз ва лоқайд, нафақат атрофдагиларга ва ҳатто ўзларига нисбатан ҳам шафқатсиз бўлиб қолишган? Нега?!»

Навқирон қирқ ёшимда, Наврўз оқшомида Лайлатулқадрни кўриш, унга ўз орзуларимни айтиш истаги яна пайдо бўлди. Икки ўғлим — Шерзод ва Дилшодга Лайлатулқадр ҳақида узоқ сўзладим. У кўпдан бери диёримизни тарк этганини, унинг келадиган вақти бўлганлигини, кимда ким Лайлатулқадрни кўриб, унга ўз орзуларини айтса, у бир кун ушалишини тушунтирдим. Болаларим ҳайратланиб, кўзлари қувончдан порлаб сўзимни тингладилар ва бир-бирига навбат бермай ўз истакларини сўзлай бошладилар. Эҳе... нималарни айтмадилар: Ғиротга миниб юлдузлар оламига парвоз қилиш, қанот чиқариб дунёни кезиш, Алпомишдек кучга эга бўлиб, тутқунликда ётганларни девлар қўлидан қутқариш ва бутун далаларда меваси ёздаям, қишдаям пишадиган дарахтлар бўлишини орзу қилдилар.

Менинг ҳам орзуларим кўп эди. Лекин улғайган сарим орзуларим ушалишига ишончимни йўқота, умидсизлана бордим. Умидсизлик лоқайдликка, лоқайдлик қалбнинг ўлишига, қалбнинг ўлиши эса мутеликка олиб келди. Гўёки дунёга сирли парда орқали боқаётгандай, бу парда оламнинг бутун жозибасини, ҳаётнинг асл мазмуни ва мақсадини мендан яшираётгандек эди. Бугун мана шу парда чок-чокларидан сўкилиб, унинг тирқишларидан юрагимга нур кира, бу нур ўзининг сирли иплари орқали мени умидсизлик ботқоғидан торта бошлади.

... Осмонга интизорлик билан боқаман. Қани мўъжиза юз берса-ю, Лайлатулқадр шундоққина тепамизда қанотларини силкиб турса. Ундан мен олтин, мансаб ёки бахт сўрамоқчи эмасман. Тилагим битта: болаларимнинг орзусини сўндирмаслик, одамларнинг ишончини, умидини қайтариб бериш. Ахир ишончини, бахтли бўлишига умидини йўқотганлардан ниманиям кутиш мумкин?!

Болаларим мудрамасликка қанчалик ҳаракат қилишмасин барибир ухлаб қолишди. Менинг кўзларимдан уйқу қочган, қатор саволлар вужудимни исканжага олиб қийнарди: «Нега, умидимни йўқотдим?! Нега, лоқайд бўлиб қолдим?! Нега, ҳақнинг ғалабасига ишонмай қўйдим?! Нега?..» Бундай саволларнинг ниҳояси йўқ...

Тонгга яқин эндигина кўзимни уйқу элганида болаларимнинг турткилашидан уйғониб кетдим.

— Дада, Лайлатулқадр ўтдими? — иккаласи баравари сўради.

— ...Ўтди.

— Кўрдингизми?

— Йўқ, сездим. Шундай шамолдай шовуллаб ўтиб кетди.

— Бизани нега уйғотмадингиз?

— Ухламаслик даркор эди. Айтдим-ку, ҳар ким ўз Лайлатулқадрини ўзи кутиши керак. Балки, сенларга кўринармиди.

Улар бир-бирига алам билан қаради.

— Келаси йил Олмос ботирдай бармоғимни кесиб кутаман, — деди Шерзод.

— Манам, — деди Дилшод.

Бўғзимга нимадир тиқилгандай бўлди. Кўзимга тўлиб келган ёшни сездирмаслик учун секин кўрпани бошимга тортдим...

Абдураззоқ ҚЎШШАЕВ.

ТВ

22 МАРТ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Брест узра шундай осойишталик», «Фронт хроникасидаги ном». Телефильмлар. 12.00 Болалар учун театр. «Олтин шохли кийикча». Бухоро вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли. 12.50 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).

* * *

17.30 Ўқитувчи экрани. Мактабларда чет тилларни ўқитишдаги ҳозирги талаблар. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари». Хоразм вилоятидаги Шовот ноҳиясидан кўрсатув. 18.35 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм. 18.50 «Инсон омили — бош мезон». Наманган вилоятидан кўрсатув. 19.20 Шеърият дафтаридан. Абдулла Шер. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Алифбо сабоқлари». 20.25 Реклама. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Навоийхонлик». Мусиқий программа. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Долзарб мавзу. 22.20 «Ўзбекистон композиторлари». Дони Зокиров. 23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «3-студия». 00.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Ровесник» (рус тилида). 19.45 Реклама. 19.55 Абдулла Қодирийнинг экранлаштирилган асарлари. «Ўтган кунлар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Инсон ҳузурига». Фрунзе шаҳар партия комитетининг биринчи котиби У. Чиналиев суҳбати. 22.15 «Қримда ҳар доим ҳам ёз бўлавермайди». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Днепр» — «Бенфика» (Португалия). 2-тайм. 10.40 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.05 «Икки дил». Анжела Чумак куйлайди. Кишинёвдан кўрсатилади. 12.30 «Учинчи трамвай боради». Мультфильм. 12.45 Л. Бондаренко чалади (баян). 12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 14.30 «Давомли суҳбат». Кинорежиссёр А. Кончаловский билан учрашув. Кўрсатувни О. Доброхотова олиб боради.

* * *

16.30 «Композитор Авет Тертерян». Фильм-концерт (Ереван). 17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Афсонага айланган кишилар» туркумидан ҳужжатли фильмлар: «Вера Хоружая», «Ғалаба байроқдорлари». 17.20 «Агар сиз...» 18.05 Владимир Познер «Донахью ва болалар» программасини таништиради. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Меҳмон бўлинг...». Л. Сандулесу куйлайди. Киевдан кўрсатилади. 19.45 Р. Солнцев. «Алвонранг гиламдаги уч киши». Телеспектакль. 3-учрашув. 21.00 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Инсон қўшиқ ўйлаб топибди». Шоир Л. Дербенев ижодий кечаси. 23.15 Долзарб интервью. 23.25 Л. Дербенев ижодий кечасининг давоми. 00.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

Ўқув программаси

9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 165 ва 173-сонлари. 9.35, 10.35 Биология. 11-синф. Ирсиятнинг хромосома назарияси. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик». 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар.

* * *

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 3-серия. 14.10 Ритмик гимнастика. 14.40 «Т-30А» трактори». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»). 14.45 «Псков тупроғи».

* * *

17.30 «Хомо дуплекс». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 17.50 Э. Денисов. «Йиқрорлик» балетидан сюита. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! «Асал сири».

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03172
Д. — 23201.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.